20____ Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Авлодимга сўз қолсин... 3

Ҳаётбахш ташаббуслар 4

Ҳужжатсиз уйдаги одамлар 5

Чет эл сиёсати чет тили сиёсатидан бошланади 7

O'zbekiston ovozi

№30-31
2019-yil, 16-aprel
Seshanba (32.521)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ҚОЗОҒИСТОН — ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-15 апрель кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Қозоғистон билан ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатларни ривожлантириш йўлидан борди. Халқларимиз нафақат яқин қўшни, балки қардош сифатида кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини тушуниб, қўллаб-қувватлаб келган. Ўтган йиллар давомида бу алоқалар янада мустаҳкамланди, мамлакатларимиз яхши қўшни ва ўзаро манфаатли ҳамкор сифатида тараққиёт йўлидан елкама-елка бормоқда.

Давлатларимиз ўртасида стратегик шерикликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг ҳиссаси беқиёс.

Президентимизнинг очиқ ва прагматик сиёсати, хорижий давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари ривожида тарихий даврни бошлаб берди. Ўша йили 16-17 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми бўлди.

Ўтган қисқа вақтда икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг мазкур давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришда навбатдаги қадам сифатида икки томон учун бирдек манфаатлидир.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев тор доирада учрашув ўтказди.

Президентимиз Қозоғистон Президентини Ўзбекистонга ташрифи билан қутлаб, мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Сизнинг Қозоғистон Республикаси Президенти сифатида Ўзбекистонга илк давлат ташрифи билан келганингизни жуда юксак қадрлаймиз. Биз буни икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг яна бир асоси деб биламиз. Қозоғистон бизнинг яқин қўшнимиз, ишончли ҳамкоримиз ва қалин шеригимиздир. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президенти таклиф учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор қилиб, музокаралар самарали ўтишига ишонч билдирди.

Халқларимизнинг тарихи, дини, тили бир, ўхшаш маданий қадриятларга эга. Сиз, ҳурматли Шавкат Миромонович ва Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев давлатлараро муносабатларни юқори босқичга олиб чиқдингиз. Бу суръатни сақлаб қолишни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан. Қозоғистонда қардош Ўзбекистон билан алоқаларга талаб жуда катта, деди Қосим-Жомарт Тоқаев.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!
Хонимлар ва жаноблар!
Ассалому алайкум, азиз меҳмонлар!

Сиз, азизларни меҳмондўст Ўзбекистон заминида яна бир бор қутлаймиз.

Бутун Ўзбекистон халқи номидан биродар Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевни мамлакатимизга илк бор давлат ташрифи муносабати билан чуқур мамнуният изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!
Азиз дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сизларни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг тантанали очилиш маросимида қутлашдан мамнунман.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши, оғам, муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг 2017 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида биз ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон йилини, бу йил эса юртимизда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эдик.

Фурсатдан фойдаланиб, кўпмиллатли Ўзбекистон халқи номидан Нурсултон Абишевичга мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган беқиёс ҳиссаси, шунингдек, мамлакатингизда ўтказилган ажойиб, ёрқин ва унутилмас Ўзбекистон йили тадбирлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Бугун муҳтарам Қосим-Жомарт Кемелевич билан биргаликда Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, биродарлик ришталари узвий мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир.

Бу муҳим воқелик, шунингдек, халқларимиз ўртасидаги азалий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий якдиллик рамзидир.

Қозоғистоннинг Абай Қўнонбоев, Мухтор Авезов, Ахмет Байтурсунов, Илёс Есенберлин, Ўлжас Сулаймонов ва бошқа кўплаб атоқли маданият намояндалари тинчлик ва эзгуликни асраш, халқларимизга хос юксак инсоний фазилатларни тараннум этган.

Ўзининг жўшқин асарлари билан улар ушбу эзгу қадриятларни ҳозирги авлодга етказиш, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини кенгайтиришга улкан ҳисса қўшган.

Шу муносабат билан мен ҳамкорлигимиз келажагига катта некбинлик билан қарамоқдаман ва Ўзбекистондаги Қозоғистон йили тадбирлари ушбу кўп асрлик алоқаларни янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Давоми 2-бетда. ▶

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алейкум,
Ҳурматли ва азиз ўзбек қардошлар!

Аса құрметтқ, Шавкат Миромонович, жеке Өзңңқзге және Өзбекстан халқына жылы шыраймен қарсы алып, қонақжайлық көрсеткендерңңз үшқн зор алғыс айтамын.

«Қазақ пен өзбектқң базары да бқр, мазары да бқр» деп бабаларымыз бекер айтпаған.

Екқ халықтың тқлқ де, дқнқ де, тағдыры да, тарихы да бқртұтас.

Халқларимиз Марказий Осиёдаги кўҳна ва буюк тамаддун ворисларидир.

Биз кўплаб муҳим синовларни биргаликда енгиб, аждодларимиз анъаналари, қадриятлари ва маданий-маънавий меросини сақлаб қолдик.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик ва самарали ҳамкорлик ушбу тарихий дўстликнинг мантиқий давомидир.

Кейинги йилларда қардош ва дўст мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий, гуманитар алоқалари янада юксак босқичга кўтарилди.

Чегарадош ҳудудлар ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бормоқда, товар айирбошлаш ҳажми муттасил ортмоқда.

Шуни қатъий ишонч билан таъкидлашим мумкинки, бугунги кунда Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатларида муаммоли масалалар мавжуд эмас. Аксинча, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ўзаро интилиш мавжуд.

Қозоқ халқи азалдан қардошлик ва дўстлик ришталарига содиқ, яхши қўшничиликни қадрлайди.

Биз доимо ўзбекларни ўзимизга қону қардош билганмиз ва шундай ҳисоблашда давом этамиз.

Ўзбек халқи ҳам бизга нисбатан шундай илиқ туйғулар туяётгани бизга яхши маълум.

Қардош халқларимизни ягона тақдир ва умумий келажак боғлаб туради.

Биз асарлари Ўзбекистонда диққат билан ўрганиладиган аждодимиз Хўжа Аҳмад Яссавий билан фахрланамиз.

Қозоқ ҳуқуқи ижодкорлари – икки буюк бий – Тўлебий ва Ойтекебий Ўзбекистонда мангу қўним топган.

Биз Тошкентга алоҳида илиқ муносабатдамиз, зеро, атоқли қозоқ зиёлиларининг ҳаёти ва фаолияти шу шаҳар билан боғланган.

Қозоқ маданиятини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдормиз.

Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган кенг кўламли чора-тадбирлар учун миннатдорлик билдираман.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

у қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

- Қозоғистон Республикаси 16 декабрь 1991 йилда мустақилликка эришган. Пойтахти — Нур-Султон, жаҳондаги энг ёш пойтахт ва Қозоғистоннинг энг жадал ривожланаётган шаҳридир.
- Аҳолиси — 18 395 660 киши (1 январь 2019 й). Майдони — 2 724 902 км2. Ер шарида майдони катталиги бўйича 9-ўринни, МДҲ давлатлари орасида иккинчи ўринни эгаллайди. Ҳудуди 14 вилоят, 3 республика аҳамиятига эга шаҳарларга (Нур-Султон, Олма-Ота ва Чимкент) бўлинади.
- Нур-Султон шаҳри энг ёш пойтахт бўлишига қарамай, Байтерак, Хан Шатир, Оқ ўрда, Тинчлик ва ҳамжиҳатлик саройи каби иншоотлар ноёб, жаҳонга машҳур архитектура намуналари ҳисобланади.
- Инвесторларни жалб қилиш ва янги, рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида пойтахтда Махсус иқтисодий зона ташкил қилинган.
- 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.
- 2018 йил, Ўзбекистон — Қозоғистон товар айланмаси ҳажми 3 миллиард доллардан ошди, бу 2017 йилга нисбатан қарийб 50 фоизга кўп. Яқин йилларда бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етказилиши кутилмоқда.
- Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида ҳамкорликка оид 50 дан зиёд битим ва келишувлар амал қилади. Мамлакатимиздаги 400 га яқин мактабда қозоқ тили ўқитилади.
- Чимкентда, Ўзбекистон — Қозоғистон биринчи ҳудудлараро форумида 324,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги шартномалар имзоланди.
- Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда.
- Қозоғистон пойтахти турли миллат ва дин вакиллари ҳамжиҳатликда яшаётганлиги учун 1999 йилда ЮНЕСКО қарори билан «Тинчлик шаҳри» номини олган.

Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшнимиз билан мулоқот ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиламиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Бугунги кунда Қозоғистон бутун дунёга давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида, жумладан, замонавий рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш бўйича эришилган салмоқли муваффақиятларини намоён қилаётганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Ишончим комилки, мамлакатимизда Қозоғистон йили тадбирлари нафақат ушбу йўналишдаги ишлар натижаларини намойиш қилиш имконини беради, балки мамлакатларимиз санъати, илм-фани, таълими, бизнеси вакиллари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, билим ва ютуқларни алмашиш учун янги уфқлар очиб беради.

Буларнинг барчаси маданиятларни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда яқинда ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида қозоғистонлик Улжан Байбусинова Гран-прига сазовор бўлгани ҳам қувонарли ҳол.

Барча қозоғистонлик дўстларимизни самимий қутлайман!

Азиз дўстлар!

Ўйлайманки, Ўзбекистонда Қозоғистон йили қардош мамлакат санъат усталарининг катта концерт дастури – кўпмиллатли Қозоғистоннинг ёрқин ва серқирра намойиши билан бошланишида рамзий маъно мужассам.

Дарҳақиқат, шеърият, мусиқа ва қўшиқ халқларнинг энг пок ва гўзал орзу-умидлари, эзгу интилишларини ифода этади.

Шу муносабат билан қозоғистонлик дўстларимиз, барча иштирокчиларга ушбу байрам концертини ташкил қилганликлари учун самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Ҳурматли дўстлар!

Қозоқ халқ мақолида айтилганидек: «Туы-сы жа-қын – жа-қын емес, қуны-сы жа-қын – жа-қын».

Биз қардош Қозоғистон билан йўлга қўйилган дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини қадрлаймиз ва энг яқин қўшнимиз билан мулоқот ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интиламиз.

Биз бир-биримизга ҳамиша елкадош бўлиб келганмиз, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашганмиз, бугун эса умумий ёрқин келажагимизни ҳам бирга қурмоқдамиз.

Ўйлайманки, улуғ бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоевларнинг муқаддас руҳи бизни бу йўлда қўллаб-қувватлайди.

Биз халқларимиз, фарзандларимиз ва набираларимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлида қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз!

Ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелевич!

Муҳтарам қозоғистонлик дўстлар!

Бугунги кун ўзбек-қозоқ муносабатларида янги, тарихий сана сифатида халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади, деб ишонаман.

Яна бир бор Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Эътиборингиз учун раҳмат!

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОСИМ-ЖОМАРТ ТОҚАЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Улуғ Абай биз, қозоқларни қардош ўзбек халқидан унинг эзгу фазилатлари, айниқса, камтарлик ва меҳнатсеварликни ўрганишга чақирган эди.

Қозоғистонда муқим яшаётган ўзбеклар ўз маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқ қондира олишлари учун барча ишларни қилмоқдамиз.

Мамлакатимизда деярли барча ҳудудларда очилган ўнлаб ўзбек этномаданият марказлари фаолият юритмоқда.

Қозоғистонда ўзбек тили медиа соҳаси, таълим тизими, маданий ҳаётда қўлланилмоқда. Иккита ўзбек театри томошабинлар ўртасида муваффақият қозонган.

Мамлакатингизда доимий равишда яшаб келаётган қозоқларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдормиз.

Ҳурматли дўстлар!

Биз ҳақиқатан тарихий воқеалар гувоҳи ва иштирокчисимиз. Жаҳон сиёсий харитаси ўзгариб, унда давлатларимиз муносиб ўрин эгаллади.

Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли иқтисодий тараққиёти, барқарорлиги ва хавфсизлиги кўп жиҳатдан Қозоғистон билан Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорлиги ва ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев ва муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Қозоғистон – Ўзбекистон муносабатлари ҳақиқий юксалиш даврини бошдан кечирмоқда.

Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон йили яқин алоқаларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Унинг доирасида 200 дан зиёд қўшма тадбирлар ўтказилди, улар орасида Чимкентда бўлиб ўтган биринчи Ҳудудлараро форум алоҳида ўрин эгаллади.

Икки томонлама товар айирбошлашни 5 миллиард долларга етказишдан иборат мақсадимиз сари изчил ҳаракат қилмоқдамиз.

Ўзаро транспорт қатновини фаоллаштириш борасида иш олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз транзит-логистика инфратузилмасини ривожлантириш Европа ва Осиё бозорларига чиқиш учун катта имкониятлар яратмоқда.

Азиз ўзбекистонлик дўстлар!

Ўзбекистонда Қозоғистон йили нафақат икки томонлама муносабатларимизда, балки бутун Марказий Осиёда ўзаро англашув ва ишонч муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи ўзига хос улкан воқеадир.

Мен мамлакатларимизнинг нафақат туркий, балки бутун жаҳон маданияти дурдонаси бўлган бош маънавий ва тарихий марказларини ўзаро боғлашни таклиф этаман.

Туркистон, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини бир йўналиш орқали туташтирган ҳолда туризм кластерини очиш мумкин, деб ҳисоблайман.

Қадқрлқ бауырлар!

Ұлы Абайдың «Татулықтан артық жолдас жоқ» деген қанатты сөзқ бар.

Қазақ пен өзбектің қуанышы да, мұңы да, мақсат-мұраты да бқр.

Аждодларимиз васият қилган қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини асраб-авайлаш — умумий бурчимиз.

Өзбекстандағы Қазақстан жылын ашық деп жариялаймын!

Ўзбекистонда Қозоғистон йилини очиқ, деб эълон қиламан!

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

ҚОЗОҒИСТОН — ЯҚИН ҚЎШНИМИЗ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИМИЗ ВА ҚАЛИН ШЕРИГИМИЗ

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда. 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ўзаро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон билан Қозоғистон БМТ, ШҲТ, МДҲ, ИҲТ, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қозоғистон мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ шафеълигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлади.

Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашди. Жумладан, икки ва кўп томонлама тузилмалар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик, ноқонуний миграция ва халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича биргаликда чоралар кўришга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш ва ушбу мамлакат билан узоқ муддатли яхши қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, жумладан, транспорт коммуникацияларни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Олий даражадаги музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Кейинги йилларда иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқларида жадаллашган алоқалар туфайли ўзаро савдо ҳажми 2018 йилда қарийб 50 фоиз ўсиб, 3 миллиард доллардан ошди.

Томонлар яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишга интилишини тасдиқлади. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияга савдо алоқалари номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликнинг янги узоқ муддатли шаклларини топиш ва ривожлантириш вазифаси қўйилди.

Бу ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, савдо, инвестициялар, логистика соҳаларида янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, интеграциялашган саноат технопарклари, илмий-инновацион кластерлар ва эркин иқтисодий зоналар ташкил этишга хизмат қилади.

Томонлар 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон — Қозоғистон худудлараро ҳамкорлик форуми ва 2019 йил мартда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё мамлакатларининг биринчи минтақавий иқтисодий форуми якунларини ижобий баҳолади.

Бугунги кунда юртимизда Қозоғистон капитали иштирокидаги 336 та корхона ва 16 та компания ваколатхонаси, Қозоғистон худудида Ўзбекистон ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган 199 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан савдо, транспорт-логистика ва бошқа хизматлар кўрсатилиб, қурилиш материаллари ҳамда кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатларимиз автомобиль ва темир йўлларда юк ва йўловчи ташишда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистон худудларидан ташқи савдо юкларини ташишда ўзаро преференциялар ва қўшимча имтиёзлар жорий этилгани савдо ҳажмини сезиларли ошириш имконини бермоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш, шунингдек, ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлаш жараёни муваффақиятли давом этаётгани, бу икки мамлакат чегарадош худудлари аҳолисининг турмуш шароитини салмоқли даражада яхшилаш, трансчегаравий иқтисодий алоқалар ва гуманитар алмашинувларни жонлантириш, фуқароларнинг ўзаро ташрифларини фаоллаштиришга хизмат қилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар Оролни қутқариш халқаро жамғармаси доирасида минтақа давлатларининг халқаро ташкилотлар, молия ва экология институтлари билан Орол денгизи ҳавзасида муайян дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини тасдиқлади.

Музокараларда транспорт, логистика, саноат кооперацияси соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг экспорт салоҳияти ва транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзоладилар.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 10 га яқин ҳужжат имзоланди. Солиқ резидентлигини тасдиқловчи расмий ҳужжатларни тан олиш тартиби, Ўзбекистон ва Қозоғистонда фаолият юритаётган икки мамлакат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ноқонуний миграцияга қарши курашиш тўғрисида битимлар, “Марказий Осиё” савдо-иқтисодий ҳамкорлик марказини ташкил этиш тўғрисида меморандум ва бошқа соҳаларга оид келишувлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда давлат раҳбарлари музокаралар анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиқлик руҳида ўтганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар. Ташриф чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ўртасида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги сифат босқичига олиб чиқиши қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

◀ Давоми, бошланиши 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН ЙИЛИ ОЧИЛДИ

у қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев 2017 йилда олий даражадаги мулоқотлар сўнггида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олган эди.

Бу халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихида ноёб воқеа сифатида қардошлик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаев нутқ сўзладилар. Давлат раҳбарлари Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирганини таъкидладилар. Мазкур йирик тадбир халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, азалий дўстликни улуғлашдек муштарак мақсадларга эришишда муҳим ўрин тутишини қайд этдилар.

Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг очилиши стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, ишонч ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайиб бораётганидан далолат беради. Ушбу муҳим воқеа халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстлик, маданий ва маънавий яқинлик рамзидир, деди Шавкат Мирзиёев.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказиладиган тадбирлар қардош халқларимиз маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашини қайд этди.

Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон йили очиқ, деб эълон қилинди.

Маълумки, Қозоғистонда 2018 йилда кенг нишонланган Ўзбекистон йили доирасида иқтисод, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда кўплаб тадбирлар, маърифий учрашувлар, турли фестиваль ва ижодий кечалар ўтказилди. Икки мамлакат санъат намояндаларининг ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Ўзбек Миллий академик драма театри, Навоий вилояти ижодий жамоаларининг гастроль сафарлари қўшни Қозоғистон вилоятларида катта қизиқиш билан қарши олинди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз олий таълим тизимида ҳамкорликка оид 50 дан зиёд битим ва келишувлар амал қилади. Мамлакатимиздаги 400 га яқин мактабда қозоқ тили ўқитилади, олий таълим муассасаларида қозоқ тили, математика, физика ва бошқа фанлар бўйича педагог кадрлар тайёрланади. Чимкент шаҳрида 2018 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ва Қозоғистон халқ ассамблеяси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Бу икки мамлакат ҳудудида ўзбек ва қозоқ тилларини ўрганишдаги ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиш имконини берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Шунинг баробарида Қозоғистонда сўз мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги катта тантана қилинди. Бу адабиёти ва маданияти бир дарёдан сув ичган, азалдан қавму қариндош бўлган халқларимиз ҳаётидаги муҳим воқеадир. Мамлакатимизда Қозоғистон адабиёти ва маданияти марказининг очилиши эса ушбу соҳадаги ҳамкорлик бардавомлигининг яна бир тасдиғи бўлди.

Дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда Ўзбекистон — Қозоғистон парламентлараро дўстлик гуруҳлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 2018 йил ноябрь ойида икки мамлакат парламентлари қуйи палаталари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланиши қонун ижодкорлиги муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Бу, ўз навбатида, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда Қозоғистон йилига катта тайёргарлик кўрилди. Унинг доирасидаги тадбирлар санъат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳалари вакилларига ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, билим ва тажриба алмашиш учун янги уфқлар очади. Маданиятларимиз бир-бирини бойитишига, халқларимиз янада яқин бўлишига хизмат қилади.

— Бу йил Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг кенг нишонланиши ҳудудлар ўртасидаги маданият, ижтимоий-гуманитар ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади, — деди Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Аристанбек Муҳамедиули. — Кўплаб маданий тадбирлар, икки мамлакат санъат усталари ва театр жамоаларининг гастроль сафарлари ташкил этилади.

Бутун дунёда мамлакатларимизнинг бой тарихи билан танишиш, бетакрор урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, меъморий ёдгорликлари мисолида асрий тамаддун ютуқларидан баҳраманд бўлиш истагида бўлган сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда. Шу боис ҳам бугун туризм соҳасидаги ҳамкорлик биз интилаётган муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ўтказиладиган қўшма тадбирлар ва лойиҳалар айни шу каби ҳамкорлик учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Очилиш маросими катта концерт дастури билан давом этди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи якунланди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
У.ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбирлари.

Гўё Қуёш Ерга ошиқ бўлиб, уни кўп севар эмиш...



Авлодимга сўз қолсин...

Қозоқ адабий тили ва ёзма адабиётининг асосчиси, буюк шоир, машҳур оқин ва жамоат арбоби Абай (Иброҳим Қўнонбоев) 1845 йилнинг 10 августида Қозоғистоннинг Еттисув вилояти Чингизтоғ (ҳозирги Абай) туманида бой чорвадор хонадонида дунёга келди. У 10 ёшида Аҳмад Ризо мадрасасига кириб, у ерда уч йил таълим олади. Кейинчалик «Приходная школа»да ўқиб, рус тили ва адабиётини ўрганади ва рус тили орқали рус ҳамда ғарб адабиёти вакилларининг ижоди билан яқиндан танишади.

Отасининг хоҳиши билан Иброҳим 15 ёшида эл бийлатиш мансабига ўтириб, эл-улусни бошқаради. Эл-улус ташвиши билан яшаётган ёш Иброҳим отасидан яшириб, шеърлар ёзиб юради. У 1886 йилда шеърларини «Кўкбой ёзган шеър» номи билан, бироз вақт ўтиб Абай тахаллуси остида эълон қила бошлайди. Кейинчалик эса у «Масъуд» (1887), «Искандар» (1901) номли чуқур дидактик ва маърифий мазмундаги достонларини, «Қобуснома», «Гулистон», «Маҳбуб ул-қулуб» каби ахлоқий, фалсафий характердаги «Насиҳатлар» асарини яратади. Халқ қуйларини севган Абайнинг ўзи ҳам ўланларига халқона услубда бир қатор куйлар басталадики, шоирдан қолган 27 та куй қозоқ мусиқа меросининг олтин хазинасидан мустаҳкам ўрин олган. У куйга солган ўланлар оқинлар томонидан севиб ижро этилаяпти.

Ҳаёт ва ижод машаққатини бирдай кўтаришга интилган оқиннинг 1895 йили Петербургдаги ҳарбий мактабда ўқиб юрган истеъдодли ўғли Абдураҳмон бевақт вафот этади. Қаттиқ қайғуга ботган ота жигарбандини янги йилга менгзаб, ўзини эса эски йилга қиёслаб, рамзий маънода оғриқли байт ёзган:

Янги йилнинг боши эди,
Мен эскининг сўнги эдим.

1904 йилда шоирнинг яна бир севимли ўғли Мағавия ҳам оламдан ўтади. Оилада рўй берган бу фожиали йўқотишлар сабаб, у тўшакка михланиб қолади ва табиблар назоратидан, олам ва одамлардан воз кечиб, «Юрагим менинг қирқ ямоқ, Хиёнаткор оламдан» дея оҳ чеккан Абай 1904 йилнинг 23 июлида вафот этади. Аммо улуғ оқиндан ўзи бир шеърида умид ва ишонч билан «Авлодимга сўз қолсин» деб ёзганидек, сўз, ўлану насиҳатлари, таржималари ёдгор бўлиб қолди, унинг ушбу бебаҳо меросини дунё халқлари ўқиб-ўрганмоқда.

Абай Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да малик ул-калом деб шарафлаган Абулқосим Фирдавсий ижоди билан мадраса таҳсили даврида яқиндан танишади, бу ҳолат кейинги ижодига ўринли таъсир қилади. Ўзининг эътироф этишича, у «Шоҳнома»ни ўқиб-ўрганган. Хусусан, бу муаззам асардаги «Ақл васфи» номли дастлабки боб таъсири Абайнинг шеър, достон, насиҳатларида яққол сезилади, ҳатто, бир шеърида оқинларга қарата «Оқинларга ялинаман ақлга кир» деган мурожаати ҳам берилганини кўрамиз. Фикримиз исботи учун комиллигу хислатлар боши бўлмиш ақлнинг поэтик талқини берилган айрим байтларига мурожаат қилсак:

Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга,
Бари аниқ кўринар ўйлаганда.

***

Ақлли қора қилни қирққа бўлар,
Ҳар нарсага ўзидай баҳо берар.

***

Уч нарса одамзоднинг хосияти,
Зўр ғайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак.

Абай барча улуғ ижодкорлар қатори халқ оғзаки ижодидан бой маънавий озиқ олган. Унинг ижодида бундай адабий таъсир Шарқ халқлари мақоллари ва афсоналаридан унумли фойдаланишида аниқ кўринади. Хусусан, мақол адибнинг шеърий ва насрий асарларида кенг қўлланган бўлиб, ҳар икки турда ҳам у ирсоли масал санъатининг гўзал намуналарини ижод қилган. «Минг кун синмас, бир кун синар кўза», «Ота билан олишган — одам эмас», «Бир тўйсанг — чала бойлик» «Бир Худодан бошқанинг бари ўзгарар», «Кўк Тангри давлати», «Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман», «Еган оғиз уялар», «Эрнинг моли элда, хоҳлаганда қўлда», «Ишнинг омади — ўз вақти», «Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш», «Яхшига яқин бўл, ёмондан йироқ» каби. У «Насиҳатлар» асарининг «Учинчи сўз»ида фольклоршунос, элшунос сифатида «Иши билан эмас, кишиси билан улуғ» деган машҳур мақолни сайлов жараёни мисолида шарҳласа, «Ўттиз етинчи сўз»да эса Абайнинг мақолга яқин руҳни берувчи 20 та ўгити жой олган. Шу ўринда мутафаккир адибнинг насиҳатга йўғрилган, халқ шеърлари оҳангида ёзилган баъзи мақолбоб байтларига қулоқ тутайлик:

Ҳунари бор ҳеч кимга қарам бўлмас,
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас.

Ёки:

Қасам урган қувлардан нари юргин,
Тиниб оқмас сувлардан нари юргин.

Абай ижодида қўлланган афсоналарни қуйидагича талқин қилишимиз мумкин: Биринчидан, афсоналарнинг маълум бир илдизлари асосида у «Маъсуд» ва «Искандар» достонларини яратган бўлса, иккинчидан эса, у гўё афсоналарни шеърларининг мазмун ва мундарижасига сочиб юборгандек туюлади.

Жумладан, Абай тўртта фаслга бағишлаб туркум шеърлар ёзар экан, шеърлари ичида саҳро баҳорини тараннум этган «Кўклам» (1890) номли шеъри алоҳида аҳамиятга эга. Оқин ушбу шеърида Чингизтоғ этакларига кириб келган кўклам фаслини бор бўйи билан тасвирлар, бетакрор чизгилар яратар экан, шеър мазмунига машҳур «Қуёш ва Ер» афсонасининг мазмунини ҳам маҳорат билан сингдириб юборганини кўрамиз. Чунончи: гўё Қуёш Ерга ошиқ бўлиб, уни кўп севар эмиш, у Ер атрофида ўртаниб, куяр эмиш, Ошиқ Қуёш олтин чодирига кириб, тун бўйи Ер висолига кўз тутар эмиш. Саҳарда қучоқ очиб, севгани Ерни муҳаббат оловида ўртар эмиш. Бу — биринчи лавҳа. Иккинчи лавҳада эса Қуёшга ошиқ Ер ҳам қиш бўйи Қуёшни муштоқлик билан излар эмиш, уни кутавериб сочлари оқарар эмиш, гўё қишда ерни қор босар эмиш.

Абай ижодидаги ёрқин рамзий образлардан бири Ўлан образидир. У Ўлан алифбесининг асосчиси сифатида «Ўлан алифбесидан бошлай сенга» дея, Ўланнинг қуйидагича талқинларини ижод қилади: «Қозоққа ширин-ширин ўлан айтдим», «Ўланда ҳеч ким менга тенг келмади», «Мен ўланни ёзаман тушунганга, Авлодимга бир сабоқ бермоқ учун», «Мен ўланда афсона қуйламадим», «Ўлан бор — ўланларнинг ўланидир» сингари.

Маълумки, Абай ўз ҳаёти ва ижод йўли билан сўз иқлимида алоҳида ҳурматга эга сўз санъаткори бўлиб, у ўлан, достон, ҳикмат жанрида самарали қалам тебратди. Халқ ҳаётини чуқур билган халқпарвар шоир олға сурган тушунчада бирлик каби умуминсоний ғоялари билан оламга ва авлодларга самимий сўзларини айта олди.

Буробия РАЖАБОВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.
ЎзА

Квон Ён У:

ФАОЛ МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ВА АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК РУҲИДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Жанубий Кореяни тарихий алоқалар, мустаҳкам дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари боғлаб туради. Ушбу мамлакат Ўзбекистоннинг асосий хорижий ҳамкорларидан бири сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни ва экспортни оширишга йўналтирилган кенг кўламли дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга олий даражадаги тарихий ташрифи якунида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва аниқ амалий мазмун билан бойитиш имконини берди.

Шу кунларда Корея Республика Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда. Ушбу ташриф арафасида **Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У** ЎзА мухбирига интервью берди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги тарихий, маданий ҳамкорлик, унинг истиқболлари ҳақида суҳбатлашсак.

— Замонавий давлатчилигимиз тарихида Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1992 йил 29 январда дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Ўтган 27 йил мобайнида ҳурмат ва ишончга асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ривожланди ва мустаҳкамланди.

Дўстлик ришталари тарихига назар соладиган бўлсак, икки томонлама муносабатлар бундан 1 минг 400 йил муқаддам ўрнатилганига гувоҳ бўламиз. Афросиёб деворида акс этган суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Чосон элчисини қабул қилиш маросими мамлакатларимиз ўртасида азалдан бордикелдилар бўлгани, ҳамкорлик ва савдо алоқалари ривожланганидан далолат.

Яқин тарихдан маълум, давр тақозоси билан 75 минг нафардан зиёд корейс миллатига мансуб инсон Ўзбекистонга кўчирилганди. Ўша кезларда меҳмондўст Ўзбекистон халқи корейс диаспорасини ўз оға-инисидек қабул қилган. Шу тариқа одамийлик ва меҳр-оқибат асосида мустаҳкамланган ришталар сабаб корейс ҳамюртларимиз ҳам Ўзбекистонни ватан тутиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилдилар. Бугунги кунда дипломатик муносабатларда кузатилаётган фаолликка ушбу диаспора вакилларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Халқларимизнинг маданияти ўхшаш, ота-она ва ёши улуғ инсонларга ҳурмат, илм олишга бўлган эътибор, урф-одат ва анъаналардаги яқинлик, меҳнатсеварлик ҳар икки халқ табиатида инсонийликнинг олий мезони сифатида баҳоланади. Ҳозирги кунда қарийб 70 минг нафар ўзбекистонлик таълим олиш, меҳнат фаолиятини олиб бориш асосида Корея Республикасида истиқомат қилмоқда. Ўзбекистонда эса корейс тили ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқиш юқори. Бу каби омиллар сабаб, мамлакатларимиз ўртасидаги фаол маданий алоқалар ва амалий иқтисодий муносабатлар манфаатли ҳамкорлик руҳида ривожланиб бораверади.

— Мамлакатларимиз муносабатларининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб ҳамкорликнинг қайси йўналишларини устувор деб ҳисоблайсиз?

— Дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан шу кунга қадар ташкил этилган олий даражадаги учрашувлар, улар натижасида имзоланган манфаатли лойиҳалар туфайли икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам асоси яратилди. Бугунги кунда мамлакатларимиз инвестициялар, саноат, савдо, соғлиқни сақлаш ва таълим, давлат бошқаруви каби соҳалар, шунингдек, узоқ муддатли тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда Корея Республикаси Евроосиё минтақасида тинчлик ва фаровонликни таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида Шимолий иқтисодий ҳамкорлик сиёсатини илгари сурмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси унинг муҳим шериги сифатида қайд этилади. Чунки, мамлакатимиз Корея яриморолида ядро қуролидан холи ҳудуд ва ҳамкорлик муҳитини яратаётган бир шароитда, Ўзбекистон Республикаси ҳам Марказий Осиё минтақасида қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни йўлга қўйиш орқали ўзининг тинчликпарвар сиёсатини намойиш этмоқда. Афғон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро ташаббусларни илгари сурмоқда. Шу боис мамлакатларимиз Евроосиё минтақасида тинчлик ва фаровонликни ўрнатишда идеал ҳамкорлар бўла олишига ишончим комил.

Ўзбекистон Республикаси билан яқин ўзаро муносабатларга асосланган барча муҳим тармоқлардаги алоқалар жадал ривожланиб, икки томонлама ҳамкорлик халқаро майдонда ҳам ишончли шериклик руҳида амалга оширилади, деган умиддаман.

— Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳани модернизация қилиш, ушбу соҳада мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасидаги имкониятларни қандай баҳолайсиз?

— Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган вақтдан бошлаб мамлакатнинг янгиланган ташқи ва ички сиёсатидаги муҳим йўналишлар қайта белгилаб олинди. Давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган мустаҳкам асос барпо этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда 2019 йил — Фаол ивестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ўртасидаги манфаатли, шу билан бирга, мутаносиб даврийликни яратиш имконини берди. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатни ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш учун зарур бўлган оқилона қадамдир.

Қайд этиш жоиз, Ўзбекистондаги ислоҳотлар сиёсати хорижий инвестициялар, хусусан, корейс сармоядорларини мамлакатингизга жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Аксарият корейс тадбиркорлари амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, давлат бошқарувидаги, валюта сиёсати ва виза тартибидаги ўзгаришлар натижасида юртингизда ишбилармонлик муҳити яхшиланаётганини алоҳида эътироф этмоқда. Мазкур чора-тадбирлар Корея Республикаси компанияларининг Ўзбекистонга янада кўпроқ кириб келишига туртки беришига ишонаман.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд ҳужжат имзоланганди. Ушбу келишувларнинг бугунги кундаги ижроси ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи тарихий ва муваффақиятли бўлди. Мазкур ташриф икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди. Ушбу ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарлари иштирокида 9 та ҳужжат имзоланди. Бу икки томонлама муносабатларни ривожлантиришдаги меъёрий-ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади.

Бунинг самарасида мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиёт соҳадаги ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланмоқда. Ҳамкорлик, айниқса, автомобилсозлик, энергетика, шаҳарсозлик соҳаларида янада фаоллашди. 2018 йилда мамлакатларимиз ўртасида ўзаро товар айланмаси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ортди. Бунда Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган 600 та корейс компаниясининг ҳам муносиб ўрни бор. Рақамларда айтганда, Ўзбекистонга 2018 йилда инвестиция киритган хорижий компаниялар орасида кореялик ишбилармонлар 4-ўринни қайд этди.

— Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга ташрифи кутилмоқда. Ушбу ташрифдан қандай натижалар кутиляпти.

— Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистонга кутилаётган давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни, энергетика, транспорт, АКТ, соғлиқни сақлаш, таълим каби муҳим соҳалардаги шериклигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Миллий сиёсат фалсафаси борасида ҳамфикр бўлган икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ва дўстлик ришталари ўзаро манфаатли бўлган соҳалардаги муносабатларни ҳар томонлама тараққий эттириш учун асос бўлади.

Ушбу ташриф халқларимиз ўртасида қарор топган ҳурмат ва ўзаро ишончни маданий алмашинувлар орқали мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим пойдевор яратиш имконини беради.

ЎзА мухбири
Улуғбек ШОНАЗАРОВ
ёзиб олди.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР

Бухорода фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Gala River» Ўзбекистон – Қозоғистон қўшма корхонаси йилдан-йилга ривожланмоқда.

Экспорт ҳажми ортмоқда

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, узумни қайта ишлайдиган мазкур корхона цехларидаги замонавий асбоб-ускуналар иш унумдорлигини янада оширишга хизмат қилаётир. Шу жиҳатдан корхона учун 2018 йил ўзига хос янгиланиш даври бўлди.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш доирасида кичик бизнес учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани ишлаб чиқаришни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди **«Gala River» қўшма корхонаси раҳбари Ҳайит Шеров.** — «Асака банк»нинг Бухоро филиали орқали Осиё тараққиёт банки линияси бўйича олинган 1,1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан 2018 йил февраль ойида Италиянинг узум шиннниси ишлаб чиқариш технологияси ўрнатилди. Орадан олти ой ўтгач, узумни бирламчи қайта ишлаш линияси ҳам технологик янгиланди. Бунинг самарасида корхонанинг қайта ишлаш қуввати 7 минг тоннадан 12 минг тоннага ошди. Меҳнат унумдорлиги ўсди. Ишчи-мутахассисларга янада қулай меҳнат шароити яратилди.

Энг муҳими, маҳсулот сифати кескин яхшиланди. Энергия тежамкор технологиялар ҳаражатни камайтириши эвазига унинг таннархи барқарорлашди. Булар, табиийки, ишлаб чиқарилаётган узум шиннисининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлаётир. Натижада корхонанинг экспорт салоҳияти ортмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўлиқ экспорт қилинмоқда.

Ўтган йили корхона қозоғистонлик буюртмачи шерикларга 1 миллион 984 минг АҚШ доллардан зиёд узум шиннниси экспорт қилди. Бу олдинги йилдагидан 867 минг 774 АҚШ долларига кўпдир. Бошқача айтганда, корхонада экспорт ҳажми бир йилда 70 фоиз ошган.

«Gala-River»нинг 50 кишидан иборат жамоаси янада юқори натижаларга интилмоқда. Бунда ишчи-мутахассисларнинг ўз ишини пухта ўзлаштиргани ва пировард меҳнат натижасидан манфаатдорлиги ошиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур корхонада шерик ишончи ҳамиша қадрли, деган шиорга амал қилинади. Шунинг учун қайта ишловчилар қозоғистонлик ҳамкорлар ишончини қозониб келмоқда. Жамоа жорий йилда камида 2,3 миллион АҚШ доллари миқдорида узум шиннниси экспорт қилишни режалаштирган.

Эркин ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири.

«Маҳалла» электрон маълумотлар *базаси ишга туширилади*

БРИФИНГ

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини ошириш чора-тадбирлари» мавзуида брифинг ўтказилди.

— Дунёда ўхшаши йўқ ноёб тузилма маҳалла алоҳида институт сифатида шаклланди, аҳолига энг яқин халқчил тузилмага айланди, — дейди **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши бошқарув раиси Шавкат Жавлонов.** — Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу йўлда ғоят муҳим ҳуқуқий қадам бўлди. Фармоннинг қабул қилиниши фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини ифода этадиган уюшмага бирлашиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларини белгилаб берди.

Вазирлар Маҳкамасига Республика маҳаллалар кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик, фуқаролар йиғини қарорини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ҳамда фуқаролар йиғини раиси фаолиятининг кафолатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини, тайёрлаш вазифаси юклатилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш ҳамда кадрларни маҳалла бошқаруви жараёнига мақсадли қайта тайёрлаш бўйича амалдаги ўқитиш тизимига оид муаммоларни ўрганиш асосида уни янада такомиллаштириш юзасидан таклифларни, фуқаролар йиғинлари, уларнинг ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахслар фаолиятини рейтинг баҳолаш мезонлари асосида рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, фармонга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари томонидан фойдаланиб келинаётган давлат мулки бўлган биноларни бириктирилган ер майдонлари билан биргаликда хатловдан ўтказиш, уларни белгиланган тартибда фуқаролар йиғинларига мулк ҳуқуқи билан берилишини ҳамда ҳар чоракда тасдиқланган график асосида ҳудудий марказларда «Маҳалла маркази» мажмуалари ва намунавий лойиҳалар асосида фуқаролар йиғинлари биноларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳолати тўғрисида ахборот бериб бориш тоширилди ва Республика маҳаллалар кенгаши ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Эндиликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) кенгашлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларини уларнинг вазифалари, фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш, тааллуқли бўлмаган вазифаларни юклаш, шунингдек, фуқаролар йиғинлари балансида бўлган биноларни бошқа шахсларга бириктириш ёки асоссиз равишда олиб қўйиш тақиқланади.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда «Электрон ҳукумат» тизими доирасида «Маҳалла» электрон маълумотлар базасини ишга туширишга белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, тизимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш, иш фаолиятини янада жонлантиришга хизмат қилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бўка туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бошланган бу жараён келажакда барча шаҳар ва туманлар, вилоятлар, мамлакат ҳаётига татбиқ этилади, умумхалқ ҳаракатига айланади.

Ҳаётбахш ташаббуслар

«Бўстон»ни гулистонга айлантиради

Президентимизнинг ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш ҳамда хотин-қизлар бандлигига оид 5 ташаббуси доирасида Тошкент вилоятининг Бўка туманида Президент администрацияси томонидан бир қатор маданий-маънавий тадбирлар ташкил этилаётганини эшитиб, таҳририят топшириғи билан ўша томонга йўл олдик.

Шаҳардан чиқишимиз билан мусаффо дала ҳавоси димоққа урилди. Баҳорнинг сарин эпкини, Шарқдан чиқаётган қуёш кайфиятни кўтаради. Аслида, баҳор уйғониш, янгиланиш, бунёдкорлик таърифлари билан бежиз қиёсланмайди. Тошкент вилояти ҳокимлиги кўчиб ўтган эски Тўйтепа — Нурафшон шаҳри томонга кета-кетгунча йўлнинг икки томонида замонавий меъморчилик асосида икки қаватли уйлар шиддат билан қад ростлаяпти, қурилиш-ободончилик ишлари авжида.

«Тошкент денгизи»дан ўтиб, Бўка туманига кираверишда тадбирга китоб, спорт анжомлари олиб келаётган «Маърифат карвони» автобусларига кўзимиз тушди. Ундан ўтиб, тадбир ўтказилиши режалаштирилаётган «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги футбол майдонига етиб келдик. Одам гавжум, уларнинг кўпчилиги ёшлар.

— Биз Бекободдан ҳашарга келдик, ободонлаштириш ишларида қатнашамиз, — дейишди улар.

Ҳали тадбир бошланмаган бўлса-да, бу ерга вилоятнинг Бекобод, Оққўрғон, Олмалиқ каби бир қатор туманларидан ҳашарчилар етиб келишибди.

— Ишонсангиз, мана шу футбол майдони уч кун аввал ташландиқ қаровсиз аҳволда эди, — дейди **тадбир ташкилотчиларидан бири, «Маҳалла» жамғармаси** туман бўлими бошлиғи Ҳакимхўжа Турсунов. — Ана шу жойни қисқа муддатда ҳашар йўли билан тартибга келтирдик. Туманимизда 40 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ҳар бирининг ўзига яраша муаммоси йиғилиб қолган. Ёшлар бандлигига етарли эътибор берилмай келингани ҳам сир эмас. Шуларни ҳисобга олиб, Президент администрацияси раҳбар ходимлари, ташаббусга масъул бўлган вазирлар ва уларнинг жамоалари томонидан тажриба тариқасида туманимизда маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт тўгараклари, китоб дўконлари, «book cafe»лар ташкил килиш, уй бекаларини тикув ва текстиль цехларига жалб қилиш ҳаракатлари бошланди.

— Икки кун олдин мана шу футбол майдони қурилишига раҳбар этиб тайинландим, — дейди **Абдурасул Акмалов.** — Илгари бу майдон аҳоли мол боқадиган жойга айланиб қолганди. Энди футбол майдони тумандаги спорт мактаби тасарруфига ўтказилди, ёшлардан футбол жамоаси туздик. Худо хоҳласа, бугун ўтадиган тадбирдан кейин туманда ёшлар ўртасида спортни кенг оммалаштиришга, уларни спортга жалб этишга бутун кучимни сарфлайман.

Стадионда саф тортган ёшларнинг бир томонида пушти дуррачаларда, пушти либосларда қатор турган хотин-қизлар эътиборимни тортди. Улар ёнида турган аёл туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Марҳабо Абдулазизова экан.

— Президентимизнинг «5 та ташаббус» лойиҳаси доирасида Бўстон маҳалласида хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 150 иш ўрнига мўлжалланган тикув цехи қурилаяпти, — деди **Марҳабо Абдулазизова.** — Унга уй бекаларини таклиф этдик. Иш икки сменада ташкил этилади. Демак, шу маҳалладаги 300 хотин-қиз иш билан таъминланади. Чавлисой маҳалласида ҳам 150 ўринга мўлжалланган енгил конструкцияли тикув ва текстиль цехи қурилиши бошланди. Ҳозир ишлаш истагида бўлган 512 нафар хотин-қиз рўйхатга олинди. Улар 20 кун мобайнида Бўка қишлоқ хўжалиги касб ҳунар коллежида тикувчилик йўналиши бўйича 4 гуруҳда ўқитилади. Хотин-қизларимиз орасида тажрибали тикувчилар ҳам бор, улар устозлик қилишади.

— Мен илгари тумандаги тикув корхонасида ишлаганман, — дейди **Наргиза Ғойибназарова.** — Ишхона тугаб кетганидан буён уйда ўтиribман. Янги тикув цехи қурилаётганини эшитиб, биринчилардан бўлиб рўйхатга ёзилдим. Жуда хурсандман.

— Туман марказидаги тикувчилик фабрикасида ишлар эдим, — дейди **Гулчеҳра Тожибоева.** — Йўл узоқлик қилгани учун ҳозир уйда ўтиribман. Маҳалламизда тикув цехининг очилиши бизга ўхшаган хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлайди. Бу биринчи навбатда оилага моддий мадад бўлади, турмуш фаровонлиги ошади.

— Бундан 22 йил аввал Бекоддаги касб-ҳунар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича битирганман, — дейди **Мавжуда Эшмонова.** — Шундан буён иш йўқлиги учун биров бюртма берса, уйда тикиш-бичиш ишларини бажариб келаётган эдим. Энди маҳалламизда очиладиган тикув цехида ишлайдиган бўлдим.

Тошкентдаги «Машҳура» тикувчилик курсини битириб, ҳозир Бўстон қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида модератор бўлиб ишлаётган Мадина Йўлдошева, Ҳурниса Маматова, унинг қизи Нилуфар Абдуҳошимова ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлардан мамнунлигини билдиришди.

Биз бу ерга ҳашарда қатнашиш учун Олмалиқ шаҳар хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Сайёра Нодирова билан келган 50 га яқин фаол аёллар отряди, Оққўрғон туманидан келган «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими мутахассислари Муҳаббат Ҳайдарова, Ҳусния Халилова, Маъмура Йўлдошева бошчилигидаги хотин-қизлар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Ҳаммаларида кўтаринки кайфият, ҳатто меҳнат қуролларини ҳам ўзлари билан олиб келишибди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилда Сирдарё ҳамда Наманган вилоятларига қилган амалий ташрифи давомида «Маърифат карвони» ташкил этилиб, мазкур ҳудудлардаги туман ва шаҳар кутубхоналарига бир неча юз минг нусхада бадиий адабиётлар, спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари етказиб берилган эди, — дейди **Тошкент вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Одил Рустамов.** — Шу асосда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб мутолаасига бўлган қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус ўртага ташланди. Уни амалга ошириш механизмлари атрофлича таҳлил қилиниб, бу борада Сирдарё вилояти тажрибасини юртимизнинг барча ҳудудларига жорий этиш вазифаси белгиланди. Бундай тадбирлар тажриба-синов тариқасида Тошкент вилоятининг Бўка, Пскент ва Оққўрғон туманларида ўтказилади.

— Бу ташаббус мамлакатимиз бўйича кенг қулоч ёяди, — дейди Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев. — Ёшларимизнинг 30 фоизи маҳаллий ҳомийларни жалб этган ҳолда, маданият марказлари, бадиий-ҳаваскорлик жамоалари, ёшлар театр-студиялари ва «Ёшлар клублари»га, яна 30 фоизи спорт тўгараклари, компьютер саводхонлиги ва интернет марказларига, қолган 40 фоизи қизиқишига қараб маънавий-маърифий тадбирларга жалб этилади. Уй бекалари учун тикув ва тўқимачилик цехлари қурилади.

Бу тадбирларни сифатли ташкил этишда албатта, бир қатор муаммоларни бартараф этишга тўғри келади. Масалан, мамлакатимизда 12 мингдан зиёд спорт иншооти бор, лекин ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спортга қамраб олиш даражаси етарли эмас. Умумтаълим мактабларини спорт анжомлари билан жиҳозлаш кўрсаткичи мамлакат бўйича 56 фоизни, жумладан, Сурхондарё вилоятида 12, Хоразмда 14, Қорақалпоғистонда 15 фоизни ташкил этади, холос.

Бу борада бугун Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоятлар мутасаддилари томонидан тегишли ишлар амалга оширилаяпти. Мана, ҳозир Бўка туманида қилинадиган ишлар кўлами ва молиялаштириш манбалари аниқланиб, Бўстон, Ровот, Чавлисой ва Янгиқўрғон маҳаллаларида комплекс қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Энди бу тажриба бошқа вилоятларда ҳам қўлланилади.

— Ҳудудимизда 67 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли бор, — дейди Бўка тумани ҳокими **Бектемир Ибрагимов.** — Шулардан деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Уларни иш ўринлари билан таъминлаш, биринчи навбатда, бизнинг вазифамиз. Тумандаги мавжуд 40 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли, айниқса, 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг оилавий шарт-шароитларини ўрганиб, таклиф ва тавсиялар бериш мақсадида 20 та ишчи гуруҳ шакллантирилди.

Бўстон маҳалласи ҳудудида жойлашган «Бўстон» маданият уйи биноси, 160 ўринли томоша зали таъмирланаётир. Маданият уйининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 10 дан ортиқ мусиқа асбоблари келтирилди. Маҳалланинг истироҳат боғига янги аттракционлар ўрнатилиб, ҳудуддаги фаолиятини 2000 йилда тўхтатган кутубхона таъмирланмоқда.

Айни пайтда 150 ўринга мўлжалланган «Бўстон» маданият марказида ўриндиқлар ўрнатиляпти. 35 йил мобайнида таъмир нималигини кўрмаган қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилиб, симёғочлар янгиланяпти. Кутубхона ёнидаги 130 ўринли болалар боғчасини капитал таъмирлаш бўйича ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Абгор ҳолга келиб қолган қишлоқ оилавий поликлиникасида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Бўка шаҳридаги адирлик устида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бўка тумани кенгаши, «Ёшлар келажагимиз» жамғармаси туман филиали биноси, Ёшлар коворкинг марказини қуриш ишлари давом этмоқда. Ҳудуд ободонлаштирилиб, турли манзарали дарахтлар экилмоқда. Бўкалик ёшлар учун истироҳат маскани ҳам ташкил этилади.

— Президентимизнинг 5 та ташаббуси бўйича 5 та вазирлик ҳамкорлигида ишлар ташкил этилаяпти, — дейди Халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев. — Масалан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари ташкил этиш билан шуғулланса, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги зиммасига аҳолининг кенг қатламини спорт билан шуғулланишга, спорт инфратузилмасини ривожлантириш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш каби вазифалар юкланган.

Маданият вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўгарак ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорларни туманлардаги маданий ишларга кўмакчи сифатида бириктириш яхши натижа бераётганини инобатга олиб, бу тажрибани бутун мамлакатга ёйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Унга мувофиқ, таниқли артистлар туман ва шаҳарларга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилиб, ўша жойларда маданият ва санъатни ривожлантиришга масъул бўлади, туман ва шаҳарлар ҳокимлари эса бу ишларга моддий ва ташкилий жиҳатдан ёрдам беради.

Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларига муайян мавзулар бўйича тарих дарсларини музейлар, тарихий обидалар, қадамжо ва театрларда сайёр тарзда ўтказилишини ташкил қилиш топширилган. Ёзувчилар уюшмаси, Президент администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан китоб ярмаркалари, шоир-ёзувчилар билан учрашувлар ташкил этилади.

... Ниҳоят, ёшлар билан гавжум стадионда тадбирнинг очилиш маросими бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарлари Улуғбек Муҳаммадиев, Қаҳрамон Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Фарҳод Маҳмудов, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шоир-ёзувчилар иштирок этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев ва бошқа санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради. Тадбир сўнггида маданий-маърифий учрашувлар, китоб ярмаркаси ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Бўстон маҳалласи аҳли, шунингдек, ёшлар, қўшни туман ва шаҳарлардан келган кўнгиллилар томонидан марказий кўчалар, истироҳат боғи, маданият саройи ободонлаштирилиб, гул ва дарахт кўчатлари экилди. Марказий кўчага асфальт ётқизилди.

Бўка тумани ёшларига 18 мингдан зиёд китоб совға қилинди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг 5 минг нусхадаги сара намуналарини Бўка мактаблари ва маҳаллалари учун туҳфа қилди

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов тумандаги 2-умумий ўрта таълим мактабида ёшлар билан мулоқотда бўлди. Тумандаги 27-ИДУМнинг 2-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг «Ўйимизда йўқ эди китоб» шеърини айтиб берди

Ёшлар иттифоқининг «Ёшлар медиа маркази» ижодий гуруҳи Бўстон ва Дўстлик маҳаллаларида бўлиб, ёшлар фаолияти билан танишди. Ўзбек ва қирғиз тилларига ихтисослашган 34-умумтаълим мактабига фан, таълим ва маънавият намояндалари, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан китоблар жамланмаси тақдим этилди. Санъаткорлар ҳамда ўқувчиларнинг турли саҳна кўринишлари, куй ва рақслар тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев 19-болалар мусиқа ва санъат мактабида Бўка туманидаги таълим муассасалари етакчилари билан учрашди. Учрашувда таълим муассасалари етакчилари томонидан бир қатор таклифлар берилди. Туманда китобхонлик танловини ўтказиш, ғолибларни Самарқанд шаҳрига саёҳатга юбориш, таълим муассасаларида ҳаваскор театр-студиялари ташкил этиш, умумтаълим мактабларига радиоузел ўрнатиш, «Бўка ғунчалари» кўрик-танловини ташкил этиш, ғолибларга чолғу асбоблари жамланмасини тақдим қилиш каби масалалар илгари сурилди.

Тумандаги 35-умумтаълим мактаби етакчиси ҳозирда ўз шахсий кинотеатрига эга эканини билдириб, таълим муассасаларида кўчма кинотеатрлар ташкил этиш таклифини илгари сурган бўлса, 50-мактаб етакчиси спорт майдони учун жой ажратилишини сўради. Шу ернинг ўзида Қаҳрамон Қуронбоев бу борада масъулларга тегишли кўрсатма берди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Алишер Қодиров бошчилигидаги маънавиятчилар томонидан ёшларга икки мингдан зиёд турли номдаги китоб совға қилинди. Туманда қаровсиз қолган эски стадион ўрнига «Маънавият ва маърифат» экопарки қурилиши режалаштирилди.

Туман маданият марказида мактабларга китоб ва спорт анжомлари тақдим этиш ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Бу ерда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоирлари Усмон Азим, Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир ва бошқалар иштирокида ўқувчи-ёшлар билан учрашув ўтказилди. «Ўзбекистон» НМИУ, «Ўқитувчи», «Чўлпон», «Шарқ». «Машҳур-пресс», Ўзбекистон миллий энциклопедияси каби давлат нашриётлари томонидан китоб ярмаркаси ташкил этилди. Мактаб ва маҳаллаларга «Маърифат карвони» томонидан олиб келинган китоб ва спорт анжомлари тақдим этилди. Тошкент вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов ўз ҳисобидан 50 дан ортиқ китоб харид қилиб, уларни тумандаги бешта мактаб кутубхонасига топширди.

Туман «Халқ овози» газетаси таҳририятида маҳорат дарслари ўтказилди, «Бўка ниҳоллари» иқтидорли ёшлар тўгарагига Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг «Ижод» жамоат фонди томонидан 300 та бадиий китоб ва компьютер жамланмаси совға қилинди. Ҳамкор ташкилотлар томонидан тумандаги мавжуд 49 та мактабнинг ҳар бирига 200 тадан, маҳаллаларда фаолият олиб бораётган 14 та кутубхона, Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда Меҳрибонлик уйига юзтадан, оилаларга мингдан ортиқ китоб совға қилинди.

Бугун ёшлар таълим-тарбиясида, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида янги давр бошланаяпти. Энг муҳими, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни эртанги кунга тайёрлаш бўйича ғоятда зарур механизм юзага келаяпти. Бўка туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бошланган бу жараён келажакда барча шаҳар ва туманлар, вилоятлар, мамлакат ҳаётига татбиқ этилади, умумхалқ ҳаракатига айланади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Мутахассис маслаҳати

«Хотиржамлик ярим соғлиқдир»

1-Республика клиник шифохонаси бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Анвар Ҳусановнинг ҳаётий маслаҳатлари:

— Биринчи тавсия. Агар соғлиғингизни асрашни истасангиз, кўпроқ кулинг. Жумладан, кулги иммунитетни ошириш ва қондаги шакар миқдорини камайтиришга имкон беради. Тадқиқотлардан бирида қанд касалига эга беморларда қондаги шакар миқдори комедик фильмлар томоша қилгандан кейин пасайган. Шунингдек, кулги оғриқни қолдирувчи восита сифатида таъсир қилади.

Бундан ташқари, кулги респиратор касалликлар вақтида ижобий самара беради. Кулиш вақтида нафас олиш узунроқ, нафас чиқариш эса қисқароқ, бироқ жадалроқ бўлади. Бу эса ўзига хос нафас гимнастикаси ҳисобланади. Шунингдек, кулги юрак уриши частотасини камайтиради, томирларни кенгайтиради (гипертониклар учун фойдали), иммуноглобулин ишлаб чиқилишини оширади, бу эса иммунитетга ижобий таъсир кўрсатади.

— Иккинчи тавсия. Турмуш тарзимизда жисмоний фаолликнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги, шу жумладан, бир жойда узоқ вақт ўтириш саратон ва қандли диабетдан тортиб, юрак қон-томирлари касалликлари, жигарнинг алкоголь билан боғлиқ бўлмаган ўнлаб сурункали касалликлари ривожланиши хавфини оширади. Эргономика мутахассислари огоҳлантиради: бир жойда жуда узоқ вақт туриш керак эмас, чунки бу соғлиққа салбий таъсир қилади, вена томирларининг варикоз кенгайиши, бел ва оёқдаги оғриқлар, уйқу артерияси касалликлари хавфини орттиради.

Офисда ишлаш вақтида ҳар ярим соатда 20 дақиқа ўтириш, саккиз дақиқа туриш, қолган вақтда эса юриш ва чўзилиш машқларини бажариш лозим, дея тавсия қилади олимлар. Агар 10 дақиқадан кўпроқ турилса, одам букчайишни бошлайди, бу эса бел ва таянч-ҳаракат аъзолари билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлади.

Шундай экан, кун давомида фақат ўтириш ва туриш бирдек ёмон ва кун давомида фаолиятлар турини ўзгартиришимиз соғлиқимиз учун фойдали бўлади.

— Учинчи тавсия. Бу хотиржамликдир. Ортиқча асабийлашмаслик, ўринсиз ўй ва ташвишлар гирдобида қолиш инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Хотиржамлик, хушкайфият, тўғри дам олиш, турли иллатлар ёки ҳаётимизда юз берган кўнгилсизликлар ҳақида эсламаслик, иложи бўлса, хотирадан ўчирган маъқул.

— Тўртинчи тавсия. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш ҳам инсон саломатлигида муҳим ўрин эгаллайди. Овқатланиш меъёри ёки ёшга қараб овқатланиш талабларига амал қилиш инсон саломатлигининг бош омилларидан бири ҳисобланади...

Марказда янги бўлим очилди

Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида гериатрия бўлими ташкил этилди.

– Ҳар йили Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида даволанаман, – дейди **Бахтиёр Файзиев.** – Янги очилган бўлим айнан 60 ёшдан ошганларга, айниқса, шу ёшдаги ногиронлиги бўлган инсонларга хизмат кўрсатар экан. Шарт-шароитларнинг юқори даражадалиги, шифокорларнинг самимийлиги, ширинсуханлиги менга жуда ҳам маъқул.

Марказдаги ҳар бир палата тозаозода. Бемор учун ҳамма шароит муҳайё. Навбатчи ва даволовчи врач ҳар кун эрталабданоқ бемор ҳолидан хабар олади. Ҳамширалар эса беморлардан асло узоқлашмайди. Муолажаларнинг палатанинг ўзида амалга оширилиши хаста одам учун қанчалик қулай эканлигини тасуввур қилаверинг. Физиотерапия муолажалари, массаж ногиронлиги бўлган кишилар учун фақат фойда бераётганлигини бу ерда даволанаётган ҳар бир бемордан эшитасиз.

Марказда яқинда очилган 10 ўринлик гериатрия бўлими хоналари шинам, энг керакли жиҳозлар мавжуд. Ошхонадан тортиб, ҳаммомгача бор. Ҳатто энг сўнгги русумдаги телевизор ҳам ишлаб турибди.

– БМТ маълумотларига қараганда, 60 ёшдан ошганлар сони кейинги 50 йилда уч бараварга кўпайган, – дейди **бўлим мудири Нилуфар Жабборова.** – Бизнинг мамлакатимиздаги кўрсаткич ҳам бундан паст эмас. Демак, бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда инсон умри узаймоқда. Инсон ёши улғаявергач, турли хасталикларга чалиниш хавфи бўлади. Марказимизда янги бўлимнинг ташкил этилишидан мақсад 60 ёшдан ошганларга тиббий хизмат кўрсатиш, уларда учраб турадиган атеросклероз, артериал гипертония, юрак ишемияси дарди, қандли диабет каби касалликларнинг олдини олишга қаратилган.

Абдурасул САТТОРОВ.

300 мингдан ортиқ мурожаат тақдири нима бўлади?

Ҳужжатсиз уйдаги одамлар

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси муддатини узайтириш керакми?..

Азалдан кенг жойларда кўнгилни кенг қилиб яшашга ўрганган халқмиз. Ким қаерда ризқи ва бахтини топаман деб ишонса, ўша ерда эмин-эркин макон қуриб, рўзғор тутган, меҳнат билан палак ёзган.



Аксарият кўпчилик атай қонунни бузиш учун эмас, уйли-жойли бўлай, фарзандларимга шароит яратай, деган яхши ният билан иморат тиклаган. Нима бўлса ҳам ерга эгалик қилиб олай, деган ўй билан уй солганларнинг йўли, йўриғи бошқа.

Бундан 20-25 йиллар аввал мамлакатимиз энди-энди мустақил оёққа тура бошлаган пайтларда бирин-кетин уч ўғил вояга етган оддий ўзбек оиласидаги ижтимоий вазиятни тасаввур этиш, тушуниш қийин эмас эди. Битта оилага жой топиб, уй солиш, алоҳида рўзғор сифатида ажратиб бериш, юмшоқ айтганда, осон бўлмаган. Мамлакат ва миллат бошидаги синовли йилларда одамлар қўлидан келганича, имкон топилганича уй-жой солган. Ана шу йилларда халқимизнинг қўл кучи, бардош билан фаровонликка интилиши ортидан қишлоқ хўжалиги ёки бошқа соҳаларда фойдаланишда бўлмаган ерлар ҳам обод қилинган, уй учун иморатлар солиниб, бора-бора файзли қишлоқлар бунёд этилган. Бунинг учун ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган даражада улкан меҳнат, чексиз куч-ирода сарф этилган. Давлату жамиятдан, ён-атрофдагилардан умидвор бўлмай, кетмон тиғи тегмаган қаровсиз жойда чамандек ҳовли яратиш учун бор-йўғини, сарфлаган ҳамюртларимиз ҳам оз эмас. Заҳмат ва машаққат натижасида барпо этилган уй-жойларнинг ҳаётда учраб турадиган ҳар хил ҳолатлар сабаб ҳужжати тўғирланмаган бўлиши мумкин. Лекин бундай уйлар ўз эгаларига она сутидек ҳалол эмасми?..

Мана шулар ҳақида ўйлаб, кўнгилни кенгроқ олиб, фикр юритсак, мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясининг аҳамияти очилади. Мамлакатдаги реал ҳолат ва тарихий шароитни кўз олдига келтира оладиган, уйи йўқ бир оиланинг бошида мингта муаммо айланишини англайдиган инсон бу тадбирнинг заруратини ойдек тушунади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5421-сонли Фармонида уй-жой учун зарур ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги аҳолида бошқа ижтимоий муаммолар келиб чиқишига олиб келгани қайд этилди.

2019 йил 1 майга қадар (мазкур Фармон қабул қилинган вақтгача) қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилаётган шахсга муайян шартлар асосида берилиши белгиланди.

Фармоннинг иккинчи қисми «б» бандида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил этиладиган тегишли комиссиянинг тақдимномасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори, шунингдек, умумий мулк ҳақидаги фуқаролик ва оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига амал қилиш шарти билан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида бир марталик йиғим тўлангандан кейин амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ушбу муҳим Фармоннинг ижросини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта муддатда** қарор қабул қилиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бир марталик умумдавлат акцияси ҳақидаги Президент Фармони (ПФ-5421-сон) 2018 йил **20 апрел**да қабул қилинган бўлса, бу тадбирни амалга ошириш тартиби ҳақидаги Ҳукумат (461-сон) қарори **21 июн**да қабул қилинди...

Ҳукумат қарори билан умумдавлат акцияси доирасида кўчмас мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартиби тўғрисидаги низом, бу ишларни ташкил этиш бўйича республика комиссиясининг таркиби, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) комиссияларининг намунавий таркиби тасдиқланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига **бир ҳафта** муддатда ҳудудий комиссияларни тузиш вазифаси топширилди.

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш жараёни қандай амалга оширилиши ҳақида батафсил тўхталиш жоиз. Бу акция билан боғлиқ мамлакат миқёсидаги умумий манзарани тасаввур этишда ёрдам беради.

Жисмоний шахс (унинг қонуний вакили) ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилади.

Комиссия ишчи органи ариза келиб тушгандан сўнг **3 иш куни** мобайнида мурожаат этувчининг аризасида кўрсатилган жойга чиққан ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганиб, унинг техник планини шакллантиради ҳамда ушбу техник планни комиссия аъзоларига ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга юборади.

Ўз навбатида комиссия аъзолари ариза келиб тушган кундан бошлаб **5 календарь кун** мобайнида мурожаат этувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатини жойига бориб ўрганади ва ўрганиш натижаларига оид хулосаларини (маълумотномалари) комиссия ишчи органига жўнатади.

Комиссия аъзолари – туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, қурилиш бўлими бошлиғи, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, давлат бош санитария врачи, ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ёнғин хавфсизлиги инспекторининг ҳар бири ўз фаолият йўналишига мувофиқ тарзда хулоса ва маълумотномалар **(жами 7 та)** тайёрлайди.

Шулар асосида комиссия ишчи органи **3 календарь куни** мобайнида кўчмас мулк объектини ўрганиш бўйича белгиланган шаклда далолатнома расмийлаштиради.

Мурожаат этувчи Давлат хизматлари маркази орқали тегишли ҳисоб-варақ-фактура тушган кундан бошлаб **4 иш куни** мобайнида тўловни (энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдордаги бир марталик йиғимни) амалга оширади.

Комиссия ишчи органи мурожаат этувчи йиғимни тўлаганидан кейин **2 календарь куни** мобайнида Комиссия раиси томонидан тасдиқланган далолатнома асосида мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун тақдим этади. Бундай қарор лойиҳаси **2 иш куни** мобайнида қабул қилиниши керак. Қарорнинг нусхаси **1 иш куни** мобайнида Комиссия ишчи органи томонидан Давлат хизматлари марказига юборилади. Ниҳоят, марказ ходими қарор нусхасига муҳр қўйиб, мурожаат этувчига тақдим этади.

Яъни, жараён низомда кўрсатилганидек равон ўтса, инсон омили таъсир этмаса, БИР НАФАР АРИЗА БЕРУВЧИ МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ ҲАҚИДАГИ ҚАРОРНИ ҚЎЛИГА ОЛГУНИЧА САЛКАМ 20 КУН ЎТАДИ. Энди 100 минглаб қарорлар эгаларига етиб келгунича қанча вақт кетиши мумкинлигини ҳисоблаб кўраверинг.

Агар каттароқ бир туманда мингга яқин фуқаро мулк ҳуқуқи ҳақида мурожаат этса, битта ҳудуддаги ижро ҳокимияти тузилмалари 7 мингга яқин хулоса ва маълумотнома тайёрлаши керак бўлади. Яна бу ҳужжатлар қулай иш столида эмас, мурожаат этувчиларнинг уйларига бориб алоҳида-алоҳида ёзилиши керак. Масалан, ҳудуддаги давлат бош санитария врачидан турли маҳаллаларга бориб, мингта хулоса ёзиш талаб этилади. Бу қўшимча вазифа эканини унутмайлик, ҳар куни санитария врачини ўзининг асосий иши кутиб туради.

Март ойининг бошида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси расмий сайтида бир марталик умумдавлат акцияси ҳақида муҳим маълумотлар тақдим этилди. Жорий йил 1 март ҳолатига ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларнинг **398400** таси бўйича Давлат хизматлари марказларига аризалар келиб тушгани, улардан **112425** таси қаноатлантирилиб, **48405** таси рад этилгани, аризаларнинг **234235** таси кўриб чиқилаётгани маълум қилинди.

Энди эътибор қилайлик, умумдавлат акцияси учун Президент Фармони билан белгиланган **муддат тугашига икки ой вақт қолганида 122 мингдан ортиқ ариза қаноатлантирилган, 234 мингдан ортиғи эса кўриб чиқиш жараёнида бўлган.** Бунча мурожаатни кўриб чиқиш, қаноатлантириш ёки рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилиш жуда катта ташкилий ишларни талаб этиши, бунинг устига мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича мурожаатлар кун, ҳатто соат сайин кўпайиб бориши «1 майга қадар улгириб бўладими?», мазмунидаги саволни юзага келтирган эди.

Адлия вазирлиги сайтида 6 апрель куни тақдим этилган акция билан боғлиқ охирги маълумотлар бу савол анча жиддий эканини ойдинлаштирди. Маълумотларга кўра, 1 апрель ҳолатига фуқаролардан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида 500 мингдан кўпроқ мурожаат тушган, 200 мингга яқин уй-жойга мулк ҳуқуқи берилган. **Савол туғилади: 300 мингдан ортиқ мурожаат тақдири нима бўлади?.. Ҳар бир мурожаат ортида бир оила, камида 3-4 нафар инсон тургани, ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда, миллионга яқин киши чиқаётгани, уларнинг аксарияти болалар ва аёллар эканини ҳақида ўйласак, саволга жавоб бериш масъулияти анча ошиб кетади.**

Адлия вазирлиги маълумотига кўра, комиссия аъзолари ҳисобланган кадастр, қурилиш, ички ишлар, солиқ, экология, ёнғин хавфсизлиги, санитария идоралари томонидан **200 мингга яқин мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари бузилган. Бунинг устига комиссия ижобий хулоса берган 35 мингдан ортиқ мурожаат бўйича ҳокимлар қарор қабул қилмаган. Яъни, ҳокимларнинг айби билан 35 минг уй-жойнинг ҳужжати кечиккан, ноқонуний иш тутилган.** Ваҳоланки, ҳокимлар ҳужжатларни ўзлари тайёрламайди, ҳатто қарор матнини ёзиб ҳам ўтирмайди, тайёр ҳужжат лойиҳасига имзо қўйиб берса, олам гулистон, битта имзо билан бир оиланинг қанчадан-қанча муаммоси ҳал бўлади, келажаги сўроқ остида қолмайди. **Битта қарор лойиҳаси билан танишиб, уни имзолашга қанча вақт кетиши мумкин?..**

Президент йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича ўтказилган видеоселекторда ҳокимлар ҳали юқорида бўлаётган жараёндан бехабар экани, ўн йил олдинги гап билан юргани, **«Менга бермасанг, мен қўл қўймайман»,** деган ўй билан ишлаётганини танқид қилган эди. Бу ҳолатда изоҳга ҳожат йўқ.

Умумдавлат акцияси бўйича ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармаган 295 нафар комиссия аъзоси интизомий жавобгарликка тортилган, 33 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 854 нафар шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган.

Қонун-қоида устувор бўлгани яхши, албатта. Аммо **масъул ходимлар ёки ҳокимларнинг бефарқлиги оқибатида мулк ҳуқуқини ололмаган кишилар эртага акция муддати тугаб қолса, қаерга боради, додини кимга айтади?..**

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўлов эвазига амалга оширилаяпти. Давлат, ҳокимият бу ишларни текинга бажараётгани йўқ. Тўғри, энг кам иш ҳақининг беш баробари (1013650 сўм) бир қарашда унча катта маблағдек туюлмаслиги мумкин, лекин кичкина пул ҳам эмас. 1 апрель ҳолатига 200 мингга яқин уй-жойга мулк ҳуқуқи берилганини ҳисобга олиб, шу рақамга 1 миллион сўмни кўпайтирсак, 200 миллиардга сўмга яқин маблағ келиб чиқяпти.

Бош прокуратура март ойи бошида 235 мингдан ортиқ мурожаат кўриб чиқиш жараёнида экани ҳақида маълумот берганини эсга олсак, бу акциядан яна қанча маблағ тушиши мумкинлиги аниқлашиб қолади.

Бу пуллар қаерга кетади? Ҳукумат қарорига кўра, акциядан тушган пулнинг 20 фоизи — Давлат хизматлари агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ғазна ҳисоб рақамига, 20 фоизи — Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармасига, 20 фоизи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхоналари ҳисоб рақамига, 40 фоизи —туман (шаҳар) бюджетларига ўтказилади.

Бундан келиб чиқадики, ҳокимлар ҳар бир имзоси учун ўзи бошқараётган ҳудуд бюджетига қўшимча тушумни кафолатлайди. Содда қилиб айтганда, ҳоким қарор лойиҳасига шунчаки имзо қўймайди, Давлат хизматлари агентлиги ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари ҳам савоб учун ишламайди.

Умумдавлат акцияси доирасида мамлакат бўйича ўтказилган хатловда 1 миллионга яқин ўзбошимчалик билан қурилган, яъни расман ҳужжатлаштирилмаган иморатлар борлиги аниқлангани ҳақида маълумотлар пайдо бўлганди. Бу иморатларнинг аксарият қисми аҳоли айни пайтда яшаб турган уй-жойлар экани ҳисобга олинса, мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кун тартибида қатъий тургани ойдинлашади.

Мавзуга оид яна бир жиддий ҳолат бор. Жорий йил февраль ойининг сўнгги кунларида парламент ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтирувчи қонунни қабул қилди. Унга кўра, Жиноят кодексига қўшимчалар киритилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 60-моддаси ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши ҳақидаги янги меъёр билан тўлдирилди. Қонун бу йил июнь ойидан кучга киради.

Мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси муддати тугашига жуда кам вақт, саноқли кунлар қоляпти. **Ўзларига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли уй-жойини ҳужжатлаштиришга улгурмаган юртдошларимиз эртага катта муаммолар гирдобига тушиб қолади.** Уй-жой халқимиз учун жуда чуқур ва нозик масала. Бу характердаги муаммолар ҳал этилмасдан қолиб кетиши давлатга, жамиятга катта ташвиш келтириши мумкин.

Юқорида келтирилган факт ва омилларнинг ҳаммасини бир жойга жамлаб фикрласак, умумдавлат акцияси муддатини узайтириш билан боғлиқ савол юзага қалқиб чиқмоқда. Уйига мулк ҳуқуқини истаётган минг-минглаб ҳамюртларимизни уйга толдираётган, қанчадан-қанча оилаларнинг хавотири аришига умид бера бошлаган мавзу шу кунларда денгиздай чайқалиб турибди.

Адлия вазирлиги маълумотига кўра, комиссия аъзолари ҳисобланган кадастр, қурилиш, ички ишлар, солиқ, экология, ёнғин хавфсизлиги, санитария идоралари томонидан 200 мингга яқин мурожаатни кўриб чиқиш муддатлари бузилган. Бунинг устига комиссия ижобий хулоса берган 35 мингдан ортиқ мурожаат бўйича ҳокимлар қарор қабул қилмаган. Яъни, ҳокимларнинг айби билан 35 минг уй-жойнинг ҳужжати кечиккан, ноқонуний иш тутилган. Ваҳоланки, ҳокимлар ҳужжатларни ўзлари тайёрламайди, ҳатто қарор матнини ёзиб ҳам ўтирмайди, тайёр ҳужжат лойиҳасига имзо қўйиб берса, олам гулистон, битта имзо билан бир оиланинг қанчадан-қанча муаммоси ҳал бўлади, келажаги сўроқ остида қолмайди. Битта қарор лойиҳаси билан танишиб, уни имзолашга қанча вақт кетиши мумкин?..

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Ўз-ўзини танқид

«Қачонгача ўзимизга ўзимиз гапирамиз?»

ЎзХДП Марказий Кенгашидаги семинарда ана шу савол муҳокама марказида бўлди

«Тараққиёт стратегияси» марказида «Электорат орасида партия дастурий мақсад ва вазифаларининг тарғиботини олиб боришда сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш» мавзусида сиёсий ўқув ўтказди. Унда жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўриш, партия тизимидаги ходимларнинг сиёсий билими ва маданиятини ошириш масалалари хусусида сўз юритилди.

— Биз тарғибот-ташвиқот ҳақида кўп гапирамиз, сиёсий ўқувлар ўтказамиз, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархонов.** — Аммо кўпчилик партия ходимлари ҳамон бу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етгани йўқ. Партия ходимларининг сиёсий ва нотиқлик кўникмалари талаб даражасида эмаслиги, ўз фикрини эркин баён эта олмаслиги тарғибот-ташвиқот ишлари сифатига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан бу мавзуга қайта-қайта мурожаат этишга, ўқувлар ўтказишга тўғри келмоқда.

Партиямиз ғоя ва дастурларини кенг жамоатчилик вакиллари орасида тўғри ва тушунарли тилда тарғиб қилишимиз керак. Аммо партиямиз ташкилотлари томонидан ўтказилаётган тадбирларда аксарият ҳолларда бир хил одамлар, ташкилотнинг ўзида ишлаётган ходимлар, фаоллар ва депутатлар иштирок этишади. Бошқача айтганда, бу билан ўзимизнинг ғоямизни ўзимизга тарғиб қилаяпмиз. Ҳеч ким нотиқ бўлиб туғилмайди. Қобилиятни юзага чиқариш учун тинмай ҳаракат қилиш, изланишдан тўхтамаслик керак. Партиямиз ходимлари, тарғиботчиларимизга шу ҳақиқатни тушунтиришимиз зарур.

— Бугун ҳаммамиз ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз лозим, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова.** — Шу жиҳатдан қараганда, сиёсий партияларнинг жамиятдаги фаоллиги ошишига эҳтиёж сезилмоқда. Бу кўпроқ тадбир ўтказиш, узундан-узоқ маърузалар қилиш дегани эмас, албатта. Бирор ҳududдаги ечимини кутаётган масалани ҳал этиш, бунда партия ва депутатнинг ҳиссаси борлигини кўрсатиб бера олиш даркор.

— Биринчи қабул қилинган маълумот инсон онгига осон сингади, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Равшан Ҳомитов.** — Шу боис маърузачи ўн беш дақиқа давомида нутқини якунига етказиши шарт, кейин тингловчиларда диққат сусаяди. Аудиторияга етказилаётган ҳар бир маълумот ишончли манбалардан келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, маърузачи ўз имижига эга бўлиши зарур. Йиғилган одамлар билан тенг, ҳамдард, ҳамфикр бўлиб суҳбатлашиш талаб этилади. Фанда хабардорлик имижи деган тушунча мавжуд. Бунинг маъноси шуки, йиғилганлардан кўра кўпроқ маълумотга эга эканлигингизни кўрсата олиш яхши самара беради.

Семинарнинг иккинчи қисмида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда сайловга оид технологиялар бўйича интерактив машғулотлар ўтказди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

«Китоб билан меҳр улашинг»

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар ва Яшнобод туман партия кенгашлари ҳамкорлигида Яшнобод туманидаги 103-сонли мактаб-интернатда китоб улашиш тадбири ўтказилди.

— Муассасамизда 296 нафар бола таълим-тарбия олади. — дейди **103 – сонли мактаб-интернат директори Санам Ражабова.** – Шундан 102 нафари «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиси бўлса, 194 нафари мактаб-интернат ўқувчиларидир. Бундан ташқари, даун синдроми билан касалланган болалар ҳам ўқитилади.

Учрашув давомида депутатлар китобхонликнинг ҳаётимиздаги ўрни хусусида сўз юритишди.

— Учувчи бўлишни орзу қиламан, — дейди **мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Қурбон Қуронбоев.** — Дарслардан бўш пайтларда кўп китоб ўқийман. Рус тили, математика фанларини яхши кўраман. Футбол мусобақасига қатнашиб тураман. Турли тўгаракларга қатнайман. Бугун китобларим сони кўпайди. Уларни ўқиб ўртоқларимга сўзлаб бераман.

«Китоб билан меҳр улашинг» шиори остидаги тадбирлар бошқа ҳудудларда ҳам ўтказиляпти.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

«Бўлажак депутат» танлови ўтказилди

Жорий йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлигига сайлов бўлиши муносабати билан мазкур кўрик-танлов илк маротаба ташкил этилди. Бўлажак сайловларда партиядан муносиб номзодларни илгари суриш, ёш депутатлар сафини кенгайтириш, жамиятдаги муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топишда ёшлар позициясини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун танлов иштирокчилари партия электоратини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, жумладан, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Кўрик-танловнинг ҳудудий ҳамда саралаш босқичларида жами 200 нафардан зиёд иштирокчи қатнашган бўлса, шулардан сараланган 20 нафари вилоят босқичида ғолиблик учун курашди.

3 та шарт асосида иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди. Танловнинг биринчи шарти «Сайловолди ташвиқоти» деб номланиб, унда ёшлар бўлажак депутатликка номзод сифатида ўз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни аниқлаш, сайловчиларнинг ишончини қозониш ҳамда сайловолди дастурини шакллантириш масалаларига эътибор қаратди.

«Билимдон депутат» шартида ҳуқуқий мавзуда қизиқарли савол-жавоб бўлиб ўтди.

Сўнгги шарт «Муаммоли вазият» бўлиб, мазкур шартда иштирокчилар турли хил вазиятлардаги муаммолар ечими бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Дилбархон Мамаджанова танлов иштирокчиларига омад тилади, партия уларни ҳар доим қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Якуний натижаларга кўра, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти қошидаги Риштон туман академик лицейи ўқитувчиси Бахтиёр Тўйчиев ғолиб, деб топилди. Мухлиса Орифжонова иккинчи ва Санобар Ирисматова эса учинчи ўрин соҳиби бўлди. Иштирокчиларга партиянинг эсдалик совғалари ва бўлажак сайловларда партиядан ўз номзодларини қўйишлари учун махсус сертификатлар топширилди.

Умрбек БЕКТЕМИРОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири.

Аҳоли саломатлигини яхшилаш учун фақат соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас.

Одамлар саломатлигида иқтисодиётнинг ўрни

қай даражада муҳимлигини ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ҳам кўриш мумкин

Ҳаёт даражасининг инсон саломатлигига, дунёқарашига, кайфиятига таъсири ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Келинг, ушбу омилни соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ жараёнлар мисолида кўриб чиқайлик. Бу борада ўтган йиллар давомида амалга оширилган кенг кўламли ишлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида соғлиқни сақлашга йўналтирилиши кўзда тутилган маблағлар 11 триллион сўмдан иборат бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан тахминан 20 фоизга кўпдир. Шунга қарамасдан, жойлардаги ҳолат сиёсий партиялар фаоллари ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳлар томонидан мониторинг қилинганда соҳада ечилмаган муаммолар борлиги аниқланмоқда. Шу ўринда аҳоли саломатлиги даражасини белгилайдиган, оғир касалликларнинг пайдо бўлиши ва ёшлар ўртасида тарқалишига сабаб бўлаётган баъзи бир омилларга иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан ёндашиб кўрайлик. Нега деганда барча мамлакатлардаги ижтимоий ҳолат иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқ.

ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг хулосаларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан бир қисми ўзининг кундалик эҳтиёжларини паст даражадаги даромад ҳисобига қондирар экан. Хўш, бу маблағлар мавжуд нархлар доирасида инсон организмини етарли даражада оқсиллар, углеводлар, витаминлар билан таъминлашга хизмат қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, дориворлар ва гигиеник товарлар сотиб олишга етадими?

Юқоридаги рақамлар мағзини чақиб кўрсангиз мамлакатимизда қон айланиш тизими касалликларидан вафот этганларнинг кўрсатгичи нима учун юқори эканлигини тушуниб оласиз. Бир ёшгача бўлган болаларнинг ўлимига асосий сабаб перинатал даврида содир бўлган ҳолатлардан, биринчи навбатда аёлларнинг камқонлигидан келиб чиқишини ҳам тушуниш қийин эмас. 12 йил аввал республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилишда республика аҳолисининг энг кўп ва энг кам даромадларга эга қатламларининг фарқи 9 бараварга етганлиги тўғрисида маълумот берилган ва айрим чоралар белгиланган, бир неча йиллар давомида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳам эди. Аммо жаҳон молиявий инқирозининг янги силкиниши таъсирида 2014 йилдан бошлаб мамлакатимизга меҳнат муҳожирлари томонидан жўнатиладиган пул ўтказмалари кескин камайди, бу эса даромадлардаги табақаланишни қайтадан кучайтириб юборди. Бугунги кун нуқтаи назаридан даромадлар ўртасидаги фарқни бартараф этишга қаратилган эътибор талаб даражасидами ёки йўқми деган савол кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Албатта, давлат томонидан ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланган, фақат улар етарли даражада ишлаши лозим.

Ғалла етиштириш борасида етакчи мамлакатлар олимлари буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 30-35 центнердан ошса, унинг таркиби бузилиши ва сифати пасайишини таъкидлашади. Бизлар эса ҳаттоки энг паст табиий унумдорликка эга бўлган ерлардан кимёвий воситалар ёрдамида икки баравар кўпроқ ҳосил олишга ҳаракат қиламиз. ...Ёнида ёш боласи бор ҳашарчи аёл фермердан иш ҳақи эвазига картошка бера қолинг, деб илтимос қилди. Унинг жавоби бундай бўлди: «Сингпим, сизнинг ёрдамингиз туфайли ҳосилни ўз вақтида йиғиб олдим, мен сиздан миннатдорман, лекин пул эвазига картошка олишингизни раво кўрмайман. Ҳосил яхши бўлиши учун мен бор пулимга кимёвий воситалар сотиб олиб ерга солдим ва мен унинг таркибида крахмалдан кўра заҳарли моддалар кўпроқлигини биламан. Қариндошларим ёки қўшниларим касалликка учрамаслиги учун мен бу картошкаларни иложи борича узоқроқ жойларга жўнатишим керак...»

Деҳқончилик қилинадиган майдонларда кимёвий воситалардан фойдаланиш меъёрлари илмий жиҳатдан нечоғлик асосланган ва кўпчилик ҳолатларда агрономсиз фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида агротехник қоидаларга риоя қилиш талаблари қай тарзда ва ким томонидан назорат қилинади? Модернизацияга муҳтож кимё заводлари томонидан ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитлар қай даражада стандартлар талабига мос келади? Бундай ҳолатлар нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш органлари касалланиши, аллергик касалликларнинг тарқалишига асосий сабаб бўлиб хизмат қилмаяптими?

Тан олиш керак, бозорларимиздга санитария-гигиена назорати қучайтирилганлигига қарамасдан инсон саломатлигига хавф туғдирадиган чорвачилик маҳсулотларининг кириб келиш эҳтимоли катта. Чорвачилик комплекслари ҳудудига махсус кийимсиз кириш мумкин эмаслигини кўпчилик жуда яхши билади ва уларда етиштириладиган маҳсулотларнинг сифатлилиги шубҳа остида бўлиши мумкин эмас. Фақат 10 миллион бошдан зиёд қорамол 3 миллионга яқин оилада боқилаётганини инобатга олсак, улардаги шароит санитария-гигиена талабларига тўла мос келишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Хусусий секторда ветеринария хизмати мутахассислар етишмаслиги туфайли талаб даражасида йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Деҳқончилик маҳсулотларини интенсив кимёвий йўл билан кўпайтириш фаолиятидан воз кечиш ва дунёда юз бераётган тенденциялар талабларига мос шароитлар яратиш, юқори улушга эга бўлган ва якка тартибда амалга оширилаётган чорвачилик соҳасини интенсив технологияларга асосланиб янгича ташкил этиш — жамиятимиз олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир. Акс ҳолда давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағлар миқдоридан қатъи назар, соҳада сезиларли ўзгаришлар юз бериши амри маҳол бўлиб қолаверади. Туризм соҳасини ривожлантиришда ҳам ушбу муаммоларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга, нега деганда япониялик сайёҳлар қўлидаги назорат асбоби билан мева ва сабзавотларни текшираётганига кўпчилигимиз гувоҳи бўлганмиз.



Лекин аҳоли саломатлигини ифодалайдиган вазифа бу билан чекланмайди, жамиятимиз олдида ўз ечимини кутаётган бошқа муаммолар ҳам бор бўлиб, улардан бири аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдир.

Республикамизнинг айрим аҳоли зич жойлашган туманларида ушбу кўрсаттич 30-35 фоиздан ошмайди. Халқимизни ўтмишда ушбу бирламчи эҳтиёжини тўлақонли қондириш учун чорак асрга тенг муддат етмаган бўлса-да, ҳозирги инвестицион имкониятлардан келиб чиқиб, ушбу долзарб масала кўпи билан тўрт-беш йил ичида ҳал этилиши мумкин. **Иқтисодий тил билан айтганда, сув таъминотини яхшилашга қанча кўп маблағ сарфланса, соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағлар ундан ҳам кўп миқдорда тежалиши муқаррар.** Албатта, ушбу жараён комплекс ёндашувни талаб этади. Бунинг учун тежамкор замонавий технологияларни жорий этиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини жойлаштириш тизимини маркетинг тадқиқотлари ёрдамида тубдан ўзгартириш ва тоза ичимлик сувини деҳқончилик фаолиятида иложи борича камроқ сарфлашга тўғри келади.

Шу ўринда узоқ йиллар давомида каттароқ майдонларда боғ ва токзорлар яратишни инкор этиб улкан йўқотишларга йўл қўйганимизга эътибор қаратмоқчиман. Нега энди ҳозир ҳам юқори талабга ва нарх нуқтаи назаридан юқори рентабелликкга эга бўлган маҳсулотлар етиштиришни кенгайтиришга жадаллик билан киришмасдан иккиланиб қоляпмиз? Наҳотки шу пайтгача айнан ҳўл ва қуруқ мевалар, ҳўл ва қайта ишланган узумнинг Ўзбекистон учун рақобатбардошлиги бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўра юқорироқ даражада эканлигини тушуниб етмаган бўлсак? Эътиборга молик томони шундаки, аҳолимиз ва давлат бюджети юқори даромадларга эришишидан ташқари бундай ёндашув натижасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласига тезроқ ечим топилади, болаларимиз эса арзон ва витаминларга бой бўлган маҳсулотлардан етарли даражада баҳраманд бўлади.

Ўзбекистонда яқин 10 йил ичида дунёнинг 50 рақобатбардош мамлакати қаторидан жой олиш мақсадида амалий ишлар бошланди. Сир эмаски иқтисодий фаолиятда инсон омили жуда муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда мамлакатимиз реал секторининг ҳар бир соҳаси жисмонан бақувват ва ақлан етук малакали кадрлар билан таъминланиши ҳозирги замоннинг энг муҳим талабидир. Ҳеч шубҳа йўқки, инсон организми рационал тарзда керакли моддалар билан тўйинтирилмаса, бу физиологик жараёнларга, жумладан, ақлий ва жисмоний фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Инфляцияни жиловлаш йўли билан аҳолини арзон ва сифатли кундалик эҳтиёж моллари билан рационал тарзда таъминлашга эришсак, ёшларимиз мамлакатимизга тобора жадаллик билан кириб келаётган замонавий технологияларни тезроқ ўзлаштириб, чет элларда оғир жисмоний фаолият ўрнига тадбиркорлик, ижодкорлик ва бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган бўлади.

Президентимиз аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган балиқчилик соҳасини бежизга жадаллик билан ривожлантиришга кучли эътибор бермаётир. Бошланган кенг кўламли ишлар мантиқий якунини топса, балиқнинг нархи чорва гўшти нархидан 4-5 баравар фарқ қиладиган ва аҳолининг барча қатламлари балиқ сотиб олишга қурби етадиган бўлади. Нима сабабдан интенсив технологиялар ёрдамида нафақат балиқ, балки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари яққол сезилмаяпти, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, мамлакат миқёсида савдо фаолиятини тартибга соладиган ва мувофиқлаштирадиган бошқарув органини ташкил этиш масаласига эътибор қаратиш пайти келди. Шу йўл билан ҳам четдан импорт қилинадиган ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини аҳолига тизимли тарзда етказиб беришга, ҳам маҳсулотлар сифатининг назорати ва нарх-навони тартибга солишни тубдан яхшилашга эришиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ишчи-ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёллар саломатлигига кучли таъсир этадиган омиллардан бири. Охирги йилларда хусусий тадбиркорликни амалга ошириш борасида давлат томонидан катта эркинликлар берилди. Шу билан бирга, иш режимига, техника ва меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш жамият назоратидан четда қолиб кетмоқда. Ҳафтада 40 соат ўрнига 50-55 соат, кечаси билан 8 соат эмас 12 соат эскирган, шовқин ва чанг чиқариш меъёрларига жавоб бермайдиган, экологияни бузадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхоналарда ёш қизларимизнинг ишлаши уларнинг репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Собиқ Иттифоқ даврида бу ишлар касаба уюшмаларининг зиммасига юкланган эди, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда улар ҳозиргача ушбу жараёнлар назорати борасида масъул бўлиб келмоқда. Бизда бу камчиликларнинг назоратида вужудга келган бўшлиқни қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан тезда бартараф этиш мақсадга мувофиқдир.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш инсон саломатлигини яхшилаш борасида қанчалик муҳим эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. Ҳаммага аёнки, нафақат шахсий енгил автомобиллар, балки жамоат транспортидан фойдаланишдан кўра велосипедда ҳаракатланиш исбот талаб этмайдиган афзалликларга эга. Фақат ушбу ҳаракатланиш воситасининг нархи юқори эканлиги сababли муайян муаммолар вужудга келмоқда. Шундай экан, велосипедлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш ёрдамида ушбу транспорт воситасидан фойдаланиш қамровини кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, аҳоли саломатлигини яхшилаш учун фақат соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун иқтисодий фаолият самарадорлигини яхшилаш ҳисобига аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш, даромадлар табақаланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инфляцияни жиловлаш йўли билан аҳолининг барча қатламлари учун муносиб ҳаёт кечиришни таъминлайдиган шароитлар яратиш лозим. Мамлакатимизда халқ фаровонлигининг реал ҳолатини аниқлаш, биринчи навбатда, статистика фаолиятидаги шаффофликка, таҳлилий фаолият тўғри йўлга қўйилганлигига боғлиқ. Бунинг учун республика аҳоли сонига аниқлик киритиш, унинг асосида ижтимоий соҳадаги мавжуд муаммолар ечими кетма-кетлигини аниқлаш, давлат бюджети имкониятларини уларга мослаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, давлат бошқаруви самарадорлигини белгилайдиган асосий омил — илм-фанга таянган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий фаолият ўртасида мустаҳкам кўприк қуришга эътиборни кучайтириш лозим.

Илҳом ВАФОЕВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Муносабат

Ижтимоий сўровнинг мамлакат тараққиётидаги роли қандай?

Бозор иқтисодиёти шароитида барча демократик мамлакатларда аҳолини ўйлантираётган долзарб масалалар бўйича мунтазам равишда ижтимоий сўровлар ўтказиб борилади. Бу орқали жамиятдаги турли тоифаларнинг воқеа-ҳодисаларга муносабати аниқланиб, тегишли хулосалар чиқарилади, муҳим чора-тадбирлар белгилаб олинади. Шу маънода, Президентимизнинг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистонда социологик фанлар ривожини, ижтимоий тадқиқотлар даражасини янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир.

Биринчидан, ушбу ҳужжат асосида «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилиб, унинг зиммасига фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги даражасини белгилаш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни тарқатиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бу ҳужжатда хорижий тадқиқотчилик амалиётида фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, фармонда «Ижтимоий фикр» марказининг моддий-техник базасини, соҳанинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш масалаларини ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, Марказнинг раҳбар ва илмий ходимларига бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар, илмий-техник дастурларни амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш миқдори ҳамда шартларини, Марказнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасалар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш белгиланган. Шунингдек, Марказни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини жорий этиш зарурлиги қайд этилган.

Марказга телефон ва Интернет тармоғи орқали ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказиш учун call-марказини ташкил этишда амалий ва техник ёрдам кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида Марказнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси»,«Қўнғироқларни қайта ишлаш маркази» ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахборотлардан фойдаланиши белгиланганини ҳам Марказ фаолияти учун катта имкониятлар яратади.

Учинчидан, «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказиладиган социологик сўров ва тадқиқотлар натижаларидан амалиётда фойдаланиш йўллари ва усуллари белгилаб берилган. Жумладан, бу натижаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида мунтазам муҳокама қилиш ва улар бўйича зарур чора-тадбирлар кўришни амалиётга жорий этишга эътибор қаратилган. Бундан буён Марказ томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва Марказнинг веб-сайтида доимий равишда ёритиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида «Ижтимоий фикр» рукнида кўрсатувлар бериб борилади. Бу эса нафақат раҳбар ва масъул ходимлар, балки ҳар бир Ўзбекистон фуқароси халқнинг ижтимоий кайфиятидаги ўзгаришлардан вақтида хабардор бўлиб боришини таъминлайди. Натижада одамларнинг сиёсий онги ва тафаккури, фуқаролик позицияси янада ортиб боради.

Тўртинчидан, фармонда Ўзбекистон социология фани ривожини янги босқичга кўтариш, бу борада кадрлар тайёрлаш сифати ва даражасини ошириш бўйича аниқ ва самарали тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, тегишли олий таълим муассасаларида янги ўқув йилидан бошлаб социология ва социологик тадқиқотлар кафедраларини очиш кўзда тутилаётгани ҳам ушбу илм-фан йўналишида янги тарихий қадам бўлади.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб «Ижтимоий фикр» марказининг буюртманомаларига кўра, мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари талабалари, шу жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» таълим йўналиши ва «Демография». Меҳнат иқтисодиёти» магистратура мутахассислигида таҳсил олувчи талабаларни 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб Марказга мунтазам юборилиши назарда тутилаётгани бўлғуси социолог кадрлар ва олимларда амалий билим ва кўникмаларни, ҳаётий тажрибани оширишда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Юртимизда социология соҳасида янги тузилма – Ўзбекистон социологлари ассоциацияси ташкил этилаётгани ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеадир. Чунки бу соҳа ривожи ва ушбу йўналишда фаолият олиб бораётган олим ва мутахассислар фаолиятига ҳеч қачон бунчалик катта эътибор берилмаган. Фармонда ушбу ташкилотнинг фаолият йўналишлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Айниқса, олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш, халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, жумладан, хорижда ўтказиш мақсадида консорциум ташкил этиш, Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутун жаҳон социологик конгресслар ва форумларда иштирок этиш каби вазифалар белгиланганги келгусида Ўзбекистон социология фани ҳам жаҳон миқёсига кўтарилишига қаратилган ғоят дадил ва истиқболли режалардир.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси кафедрасида ўқитиладиган «Меҳнат социологияси», «Меҳнат бозори иқтисодиёти» ва «Демография» фанларининг ўқув дастурларига социология фанидаги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича ташкил этиладиган Ўзбекистон социологлари ассоциацияси билан ҳамкорлик қилиш режалаштирилди.

Маълумки, социологик фан ютуқлари бошқа ижтимоий фанлар, жумладан, иқтисодий билимлар ривожида ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, Президентимизнинг мазкур фармони мамлакатимизда ижтимоий фикр ривожини ўрганиш, социологик йўналишдаги фанлар ривожини янги босқичга кўтариш билан бирга доимо ана шу илм-фан тармоқлари билан яқин ҳамкорлик қилиб келадиган иқтисодиёт фанлари юксалишига ҳам туртки беради. Шунинг учун мазкур фармонда белгилаб берилган барча муҳим топшириқ ва кўрсатмаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш – барчамиз учун долзарб вазифа, деб ўйлайман.

Гулнора АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисод фанлари доктори.

Анжуман

Диний ва дунёвий таълим

йўналишларини ўзида мужассам этган академия

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ушбу олий таълим муассасасининг фаолияти, олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар борасида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда академиянинг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда таълим муассасасининг илмий салоҳияти, яратилган шарт-шароитлар, қадимий қўлёзма манбалардан фойдаланиш имконияти, бой маънавий меросни ёшлар қалбига сингдириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Президентимизнинг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан ташкил этилган.

Бугунги кунда академияда ҳам диний (Қуръони Карим, ҳадиси шариф, ислом ҳуқуқи, ақида, тасаввуф, ислом иқтисодиёти ва молияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва фалсафаси, диншунослик), ҳам дунёвий (халқаро муносабатлар, хорижий тиллар, зиёрат туризми ҳамда мумтоз шарқ адабиёти) таълим йўналишлари бўйича бакалавр, магистр ва докторантлар тайёрланмоқда. Шунингдек, таълим муассасасида исломшунослик, мумтоз шарқ филологияси, ислом иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар факультетлари фаолият юритмоқда.

Академия таркибий жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази, ислом дини ва маданияти, миллий мероси, қадимий анъаналарни ҳар томонлама ўрганиш, мавжуд манбаларни тадқиқ ва нашр қилиш, замонавий диний жараёнларни илмий таҳлил қилиш ва тегишли таклиф-тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган. «Манбалар хазинаси» бўлимининг қўлёзма ва тошбосма китоблардан иборат фонди асосан аҳоли қўлида сақланаётган тарихий, ноёб китобларни сотиб олиш эвазига бойиб бормоқда. Бугун фондда 500 нусхага яқин қўлёзма, 1500 нусхага яқин тошбосма, ўн минг нусхадан ортиқ замонавий китоб сақланмоқда. Манбалар ичида Қуръон ва ҳадис илмлари, тасаввуф, мантиқ, балоғат илмлари, шунингдек, табиий фанларга оид математика, астрономия, геометрия ва тиббиёт каби соҳаларга тааллуқли китоблар бор.

— Ўзбекистон халқаро ислом академияси бой ресурсларга, кенг имконият, илмий салоҳият ва инфратузилмага эга, — дейди **академия ректори Шуҳрат Ёвқочев.** — Шу маънода келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириш учун халқаро ҳамкорлик масалаларига катта эътибор бермоқдамиз. Хориждан фақатгина талабалар эмас, профессор-ўқитувчилар ҳам жалб этилмоқда. Айни пайтда Миср, Туркия, Буюк Британия, Қозоғистон, Индонезия, Япония ва Россия олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик бўйича 14 ҳужжат имзоланган. Улар асосида талабалар алмашинуви, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, халқаро конференция ва семинарлар ташкил этиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Яна шуни айтиш мумкинки, хорижликлар томонидан академияга бўлаётган қизиқиш ортиб бормоқда. Сўнгги йилда академияга Европа, Америка, Австралия, Африка ва Осиё қитъаларининг йигирмага яқин давлатидан 30 дан зиёд делегацияси ташриф буюрди. АҚШ, Туркия, Миср, Марокаш, Буюк Британия, Малайзия, Саудия Арабистони, МДҲ давлатларида ўтган нуфузли конференция ва тадбирларда таълим муассасаси вакиллари иштирок этишмоқда.

Бундан ташқари, уч нафар хорижлик профессор-ўқитувчи ўқув жараёнига жалб қилинди. Хусусан, япониялик Кеничи Тезука информатика ва ахборот технологиялари бўйича, мисрлик Магди Заъбал ва Убайд Абдулжаввад араб тилидан таълим бериб келмоқда. Шунингдек, академияда Ислом тараққиёт банки президенти Бандар Хажжар, АҚШнинг Глобал муносабатлар институти фахрий президенти Крис Сайпл, Венгриянинг Э.Лоранд номидаги Будапешт университети доктори Бенедек Пери каби мутахассислар талабаларга маъруза ўқиди.

Тадбирда хорижлик талабаларни кўпроқ жалб этиш, академиянинг халқаро миқёсдаги ўрни ва ролини ошириш, чет эл кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалар ва тошбосма асарлар орқали «Манбалар хазинаси»ни мунтазам бойитиб бориш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қабул бўйича «планлаштириш» бугун асосан инглиз тили фойдасига ҳал қилинмоқда.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Мамлакатимизда чет тил сифатида ғарб тилларидан асосан немис, инглиз, француз, испан, шарқ тилларидан эса араб, форс, ҳинд, хитой, корейс тиллари ўргатилиб келинади. Бу тилларни ўргатиш даставвал Тошкент ва Самарқанд давлат университетларида, кейинчалик Тошкент давлат педагогика институтида амалга оширилган. 1948 йилга келиб, мамлакатимизда алоҳида Чет тиллар педагогика институти ташкил этилди. Ўқитиладиган чет тилларга адолатли тарзда деярли бир хил ўрин (квота) ажратилар эди. Рус тили эса деярли иккинчи она тили мақомида ўқитиларди ва бу табиий ҳол сифатида қабул қилинар эди.



Чет эл сиёсати чет тили сиёсатидан бошланади

2013 йилдан бошлаб Халқ таълими тизимида чет тилларни ўқитиш аввалгидай 5-синфдан эмас, балки 1-синфданоқ йўлга қўйилди. Бу эамон талаби, яхши янгилик. Бироқ ўрганилаётган чет тиллар орасида «асосан» деган урғу билан инглиз тилига эътибор қаратилганлиги анчамунча мунозарали ва номаъқул ҳолатга айлана борди. Халқ таълими вазирлиги тизимига қарашли барча таълим муассасалари раҳбарларига барча мактабларда инглиз тили ўқитилишини жорий қилиш буюрилди. Мактаб директорлари эса немис, француз ва бошқа чет тиллари ўқитувчиларига тез фурсатда Абдулла Авлоний номидаги Республика малака ошириш институти қошида ташкил қилинган 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларида ўқиб, инглиз тили ўқитувчиси сертификатини олиб келишни, акс ҳолда ишдан бўшатилишини билдирди.

Натижада қарийб беш мингга яқин немис, француз ва бошқа чет тиллар ўқитувчилари ўқув йили давомида ишдан бўшатилди.

Бундай кескин «чора-тадбирдан» нафақат мамлакат зиёлилари, балки дунёнинг мамлакатимизда аккредитация қилинган сиёсий, иқтисодий ва дипломатик доиралари таажжубга тушишди. Тегишли мутасаддилар эса «буни отаоналар хоҳлашаяпти», деган сохта жавоб билан ўзларини оқлашди.

Ачинарлиси шундаки, бу борада юқори идораларда чет тил ўқитиш сиёсатининг моҳияти яхши ўйлаб кўрилмай, масаланинг туб таълимий моҳиятини тушунмай мамлакат миқёсидаги масалада қиёмига етмаган қарор лойиҳаси тайёрланган. Ҳолбуки, бу лойиҳа чуқурроқ таҳлил қилиниши, халқ муҳокамасига қўйилиши лозим эди.

Глобаллашув, техник инқилоблар ва дунё халқларининг бағрикенглик асосида ҳамжиҳатлик билан яшаши турли миллат ва элатларга мансуб халқларнинг бир-бири билан тиллашувига, мулоқотига бевосита боғлиқдир. Бу миллатлараро тиллашув фақатгина чет тиллар воситасида амалга ошади. Демак, эндиги масала чет тилларни янада жиддийроқ, интенсивроқ, самаралироқ ҳамда тезроқ ўрганиш билан боғлиқдир. Ўрганишнинг тезлиги ва сифат даражаси эса ўз навбатида ўргатиш методлари ва технологияларининг тўғри қўлланиши билан белгиланади ва амалга ошади.

Ушбу мақолада мен Германия давлат бошлиғининг Ўзбекистонга ташрифи олдидан асосан немис тилини ўрганиш ва ўргатиш билан боғлиқ айрим долзарб масалалар устида тўхталмоқчиман.

Чет тилини ўқитиш сиёсатидан кўзланган асосий мақсад – чет эллар билан оқилона, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни амалга оширишдан иборат. Шу орқали узоқ ва яқин мамлакатлар, аввало ривожланган давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатни ривожланган ва рақобатбардош давлатга айлантиришдир. Бу борада талабаларга ўргатилаётган чет тиллари ичида (Россия, Корея, Туркия, Европа Иттифоқи давлатлари) пешқадами – немисабон давлатлар, жумладан Германия Федератив республикаси ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистонимизни сиёсий жиҳатдан биринчилардан бўлиб тан олган – Германия давлати ҳисобланади. 1994 йилда имзоланган Германия-Ўзбекистон ҳамкорлик шартномаси асосида олиб борилаётган қарийб 25 йиллик сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик натижалари беқиёс.

Масалан, Ўзбекистонда 1991-2018 йиллар давомида ташкил этилган икки юздан ошиқ алоҳида ва қўшма корхоналарда ГФР тадбиркорларининг иштироки бор. Биргина КНАУФ корхонаси, пойтахт марказида қурилган муҳташам Халқаро анжуманлар саройининг интерьер ва дизайни асосан немис мутахассислари иштироки билан бунёд бўлган.

Автомобилсозлик саноатида Самарқандда MAN юк машиналари корхонаси ишлаб турибди, ўзбек автомобил йўллари ва шаҳар кўчалари қурилиши ва реставрациясида асосан немис йўл қуриш машиналари қатнашмоқда. Ўзбек монопол аграр маҳсулоти ҳисобланмиш пахтани қайта ишлаш 100 фоиз Германиянинг Кемниц заводи тўқимачилик технологияси ва техникаси ёрдамида амалга ошмоқда. Косметика саноатида ишлаётган UZGERSOV қўшма корхонаси энг янги ва сифатли Нивеау совунини немис технологияси ва техникаси асосида ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон таълим тизимида фаол ҳамкорлик қилаётгаган асосий чет эл фондлари эса DAAD-Германия академик алмашувлар хизмати, Конрад Аденауер, Фридрих Эберт, Герда Ҳенкел, Александр Ҳумбольдт фондлари, Гёте институти, Науман фонди ва бошқа немис ташкилотлари ҳисобланади. Биргина DAAD деярли ҳар йили ўзбек талабалари, докторантлари ва илмий ходимларга бир миллион евро доирасида стипендиялар ажратиб, ўзбек ёшларининг Германияда таълим олишларига ёрдам қилиб қилмоқда.

Германиянинг Фрайбург университети қошида тузилган DUWG – олмон-ўзбек илмий жамияти ташаббуси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимига гумантар ва консультатив ёрдам берилмоқда, мамлакатимизда муаммолли касалликларнинг консультацияси ва беморларнинг Германияда даволаниши, ўзбек медик олимларининг Германия клиникаларида малака ошириши йўлга қўйилган. Бу жамият ёрдамида 2002 йилдан буён ўзбек ва немис университетлари ўртасида кўплаб ҳамкорлик шартномалари асосида немис фондлари ёрдамида академик айирбошлаш амалга оширилмоқда, ўнлаб талабалар Германияда ўқиб, ёш олимлар немис университетларида докторлик диссертацияларини ёқлаб келмоқда.

Ўзбекистон Озиқ-овқат саноатига немисзабон мамлакат ҳисобланмиш Швейцариянинг Нестли каби фирмаси кўп йиллар давомида қадоқлаш ва ўзбек мева-сабзавотларини қайта ишлаш соҳасида етакчи ўринларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ижодкорлари билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган немисзабон мамлакатлар ижодий уюшма ва фондлари деярли ҳар йили ўзбек таржимонлари билан бевосита ижодий ҳамкорлик қилиб, ўзбек адабиётини немисзабон адиблар Ёҳан Волфганг Гёте, Ҳайнрих Ҳайне, Ҳерманн Ҳессе, Томас ва Ҳайнрих Маннлар, Франц Кафка, Стефан Цвайг, Арно Гайгер каби адиблар ижоди билан таржималар орқали яқиндан таништиришда ва уларни моддий таъминлашда фаол қатнашмоқда. ÖAD – Австрия академик алмашувлар хизмати эса қатор йиллар мобайнида ўзбек талабалари ва германист олимларга турли ҳажмли стипендиялар воситасида таълим инвестицияларини киритмоқда.

Ҳўш, юқорида айтилган – мактабларда ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш ва шу билан бирга, бошқа чет тилларда сабоқ беришни чеклайдиган лойиҳадаги номаъқул ҳолатлар нималарда намоён бўлди?

Биринчидан, ўрганиладиган чет тилларни белгилашда Австрия, Германия, Швейцария ва Франциянинг халқаро майдонда ва Европа Иттифоқидаги ўрнига етарли эътибор берилмади.

Иккинчидан, юқорида эслатиб ўтилган иқтисодий омиллар – немисзабон мамлакатлар, айниқса, Германия Федератив Республикасининг мустақил Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармоялари ва икки томонлама тузилган қўшма корхоналар фаолияти натижалари ҳисобга олинмади.

Учинчидан, барча таълим муассасаларида дидактик тайёргарликсиз, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, янгича Давлат таълим стандарти, ўқув ва ишчи режалар ҳамда дастурлар, дарслик ва қўлланмалар яратилмасдан туриб, инглиз тили сабоқлари берила бошланди. Бу ҳужжатлар йўлма-йўл, аксари ҳолатларда хом-хатала ҳолда тузилди.

Тўртинчидан, методик хусусият назарга олинмади, яъни, чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларни нафақат гапириш ва тинглаб-тушуниш, айни пайтда ўқиш ва ёзишга ҳам ўргатишдан иборатлиги инобатга олинмади. Натижада 1-синф ўқувчилари бутун йил давомида ўзлари қўтариб юрган дарсликнинг нафақат топшириқ ва машқларини ўқий ва бажара олди. Бу эса халқаро таълимий тажрибани нотўғри талқин қилиш ва тушуниш оқибатидир.

Таълим муассасаларидаги ўқув шароити ва вазиятни ҳисобга олмаслик натижасида барча мактаблар ва синфлар инглиз тилини ўқитадиган педагог кадрлар билан етарлича таъминланмади. Айрим вилоятлар, жумладан Сирдарё ва Наманган университетиларида немис тили ўқитилиб турилган бир пайтда умуман, немис тилида ўқитиш тўхтатиб қўйилди. Инглиз тилини барча мактабларда ўқитишни йўлга қўйиш учун керакли 5000 га яқин инглиз тили ўқитувчисига бўлган эҳтиёж бугунга қадар тўла қондирилмаган. Бу бўшлиқни тўлдириш учун эса немис ва француз тиллари ўқитувчиларини 4 ойда «бир юмалатиб» инглиз тили ўқитувчиси қилиб қўйишди. Тўрт йилда қиёмига етказиб тил ўрганолмаган мутахассис қандай қилиб 4 ой ичида инглиз тилини ўргана олади, деган савол ҳақида ўйлаб кўрилмади.

Инглиз ва немис тиллари генетик жиҳатдан қариндош, бироқ лексиканинг ўзидаёқ «таржимоннинг сохта дўстлари» (ложные друзья переводчика) бисёрки, бу тилларни ўқитиш методикасида жиддий фарқлар бор. Масалан, немисча Gift – гифт – заҳар, инглизча gift эса – совға. Немис тили ўқитувчиси табиий ҳолда гифтни заҳар маъносида ишлатаверади...

Немис ва француз тилларининг дунё тараддунидаги аҳамиятига эътибор қилинмади. Немис тили Европа Иттифоқининг асосий ишчи тили мақомидалиги, немис тили фан ва технологиялар тили эканлиги, немис тили Австрия, Германия ва Швейцариянинг давлат тили, Люксембург, Лихтенштайн, жанубий-шарқий Франциянинг, Шимолий Италия, Чехия ва Венгрия каби мамлакатларда яшовчи немисзабон халқларнинг коммуникация тили эканлиги ҳам эътиборга олинмади.

Мамлакатимизга келаётган туристларнинг асосий қисми инглиззабон Англия ва АҚШдан эмас, балки биз юқорида эслатган немисзабон мамлакатлар ва Европанинг немисзабон ҳудудларидан келиб, республикага салмоқли туристик инвестиция келтирмоқда.

Албатта, инглиз тили халқаро тил мақомига эга. Бироқ шу тил мамлакатларидан бугунгача мамлакатимизга қанча инвестиция киритилди? Турли тарихий шарт-шароитларда халқаро тилга айланиб қолган бу тилни оммавий тарзда ўргатиш учун талабанинг 4 йил бакалавриатда ўқиши ва битирганидан сўнг мутахассислиги бўйича иш тополмай юришига вақтида эътибор қаратилмади. Бу ва бошқа ҳар қандай чет тилини амалий ўрганиш учун 4 йил эмас, оддий методикада 4 ой, жадаллаштирилган методикада эса ўн кунгина кифоя қилади, холос. Бироқ ўқувчиларга чет тилини ўқитиш учун керакли мутахассисларни махсус педагогик ва методик тайёргарлик асосидагина синфга киритиш мумкин.

Сўнгги йилларда инглиз тили факультетларига қабул планлари «ошириб бажарилмоқда». Бу йигит-қизларни келажакда иш билан таъминлаш ва ишга тақсимлаш қай даражада пухта ўйлаб кўрилган? Буни яқин 5-10 йил кўрсатади. «Олмон тили ва адабиёти» ихтисослиги бўйича ўқитувчилар тайёрлашга иккинчи даражали иш сифатида қаралди.

Немис тили ихтисослиги ўқув режасида педагогика, психология ва методика фанлари учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бошқа тил ўргатувчи олийгоҳларга нисбатан 3 баравар кўп ўқув соатлари ажратилган эди. Бу ўқитувчи учун жуда зарур бўлган касбий тайёргарликни кафолатлайди. Шу сабабдан немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш вазифаси асосан педагогика университети ва институтлари зиммасига юклатилмоғи лозим эди. Бироқ афсуски, айни пайтда аҳвол тескари.

Етакчи ҳисобланмиш педагогика университидаги немис тили бўлими тугатилган, немис тили ўқитувчилари тайёрлаш асосан нопедагогик, жумладан, умумтаълим университетлари ва филологик йўналишдаги университет ва чет тиллар институтларига юклатиб қўйилган. Мамлакатга эса филолог ва таржимонлардан кўра, мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун кўпроқ ўқитувчи кадрлар керак.

Ўқитувчиларни эса классификатор бўйича ва етакчилик мақомига эга бўлган махсус педагогик ва методик йўналтирилган меъёрий ҳужжатларни яратиб бераётган педагогика университети ва институтлари тайёрлаши керак. Бироқ қатор вилоятлардаги немис тили бўлимлари ва кафедраларида немис тили назарияси ва уни ўқитиш методикасидан мутахассислашмаган, илмий даражалари ва унвонлари бўлмаган ўқитувчилар кўпчиликни ташкил қилади.

Мамлакат академик лицей, касб-ҳунар коллеж ва ўрта-умумтаълим мактабларида 2013 йилгача салкам бир миллион нафар ўқувчи немис тилини биринчи чет тили сифатида ўрганмоқда эди. Ҳозирги кунда эса бу рақам ярмига ҳам етмайди. Олий ўқув юртларига ҳар йили 500 дан ортиқ абитуриент немис тили ўқитувчиси йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинарди. Хоҳловчилар сони эса 7-8 баробар кўп эди. Бироқ қабул бўйича «планлаштириш» бугун асосан инглиз тили фойдасига ҳал қилинмоқда.

Менимча, бу масалада жиддий ўйлаб кўрмоқ керак. Қайси тилни танлаш эса ёшлар ихтиёрида бўлади. Мамлакатимиз Президенти ўзбек-немис алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ўзаро манфаатли кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда тил билиш ўта муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Хуррам РАҲИМОВ,
профессор, Германиядаги олмон-ўзбек илмий жамияти раиси.

Сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга

ҳамда импорт қилинишига асло йўл қўйилмайди

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан «Истеъмолчиларни сифати кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг долзарблиги ҳамда бу борада қабул қилинаётган техрегламентларнинг аҳамияти» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда агентлик Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги «2019-2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури» ижросини таъминлаш ҳамда бугунги кунда қабул қилинган техник регламентларни мазмун ва моҳиятини тушунтириш борасида тарғибот ишларини олиб борилаётганлиги таъкидланди.

— Мамлакатлар ўртасида савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, халқаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳамда хавфсиз ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ҳозирги кунда жами 40 техник регламент қабул қилинган, шулардан 10 таси озиқ-овқат соҳасига тааллуқлидир, — дейди **«Ўзстандарт» агентлиги бош директори ўринбосари Жасур Шукуров.** — Шунингдек, бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлардан муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари, Европа ва Божхона иттифоқи, ҳамда МДҲ давлатлари регламентлари нормалари ва халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ҳозирда техник регламентлар асосида расмийлаштирилган синов баённомалари чет давлатларда тан олиниши ҳамда сифатсиз маҳсулотларни олиб кириш, ишлаб чиқариш ва сотиш хавфини назорат қилиш тартиби ўрнатилди.

Бундан ташқари, агентлик лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича халқаро молия институтлари маблағлари ва имтиёзли кредитларини жалб қилиш юзасидан амалий ишлар олиб бормоқда. Хусусан, «Республикада мева сабзавотчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида агентликка Жаҳон банкидан 20,3 миллион доллар имтиёзли кредит ажратилиши юзасидан Президентимизнинг 2018 йил 20 июндаги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан агентлик тизимидаги 8 ҳудудда ва 2 та Тошкент шаҳрида жами 10 та марказ қошидаги синов лабораторияларида янги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш бўйича замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган лабораториялар ташкил этилиши белгиланган.

Яна шуни айтиш мумкинки, ўтган йил сертификатлаштириш органлари томонидан жами 148,8 миллиард сўмлик маҳаллий ва импорт қилинаётган маҳсулотлар тегишли меъёрий ҳужжатларга номувофиқ деб топилди. Булардан 5,0 миллиард сўми озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келган. Номувофиқ деб топилган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Қозоғистон, Грузия, Покистон, Туркия ва Россия давлатларидан импорт қилинган. Ҳозирги кунга қадар агентлик тизимидаги 12 та синов лаборатория халқаро даражада халқаро ташкилотларнинг аккредитласш органлари томонидан аккредитациядан ўтказилди.

Тадбирда, шунингдек, бугунги кунда республикамиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳамда экспортёр корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунё бозорларига экспорт қилиниши юзасидан амалий ишлар олиб борилаётганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биласизми?

Кимларга бепул

тиббий ёрдам кўрсатилади?

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида қуйидаги шахсларга бепул ёрдам кўрсатилади:

— чин етимлар;
— I ва II гуруҳ ногиронлари;
— болаликдан ногиронлар;
— 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар;
— 1941-1945 йиллардаги уруш йилларида меҳнат фронти иштирокчилари;
— ишламаётган пенсионерлар;
— Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган шахслар орасидан ногиронлар;
— байналмилал жангчилар;
— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан нафақа олаётган кам таъминланган оилалар аъзолари;
— ижтимоий аҳамиятга эга касалликларга чалинган шахслар;
— 15-17 ёшли ўсмирлар ва чақирув комиссиялари йўналишлари бўйича чақирув ёшидаги (18-27 ёшли) шахслар.

Йўл патрул хизмати ходими

транспорт воситаси ҳужжатларини текшириш учун тўхтатилганда

Йўл патрул хизмати ходими томонидан транспорт воситаси ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилганда, **фақат ушбу ҳужжатларни текшириш жараёнида аниқланган қоидалар бузилиши бўйича чоралар кўрилади.**

Қоидалар бузилиши визуал кузатув ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда, йўл патрул хизмати ходими ҳайдовчига дастлаб айнан содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, тегишли чоралар кўради.

Транспорт воситаси тўхтатилганида, ҳайдовчи йўл патрул хизмати ходими айнан тўхтатилган ҳудудда дислокацияга асосан хизмат ўтаётганлиги ҳақида **дислокациянинг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши мумкин.**

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 16 май куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган «O'ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH» ДУК балансидаги 2006 й. ич, д/р 01/630JBA, бошланғич нархи 22 939 092 сўм бўлган «VAZ 21104 125 51» русумли автотранспорт воситаси ҳамда Тошкент ш., Сиргали тумани, Жанубий саноат худудида жойлашган ХИИ «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ балансидаги бошланғич нархи 362 032 000 сўм бўлган «PG Z-60/180» русумли мис симларини эмаллаш ускунаси (эмальагрегат) қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки)** кун аввал соат **18:00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолиби, савдо кунидан бошлаб йиғирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши ҳамда тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, фарқ қилаётган суммани шартнома тузулгунга қадар закалат тўланган ҳисоб рақамига тўлаб бериши шарт, шунингдек, **ХИИ «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖнинг** ускунаси бўйича савдо ғолибига савдо ташкилотчиси учун тўланадиган сотилиш нархидан **1 (бир)** фоиз миқдорда комиссион тўловни алоҳида қоплаб бериш мажбуриятлари юклатилади.

Мазкур объектлар юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари **соат 15:00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 7 март куни ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент Босма фабрикаси балансидаги д/р 01/329YAA бўлган «МИДИБУС М-24» – 26 000 000 сўмга: д/р 01/341YAA бўлган «МИДИБУС М23» – 18 000 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Қабристонни обод этиш энг савоб ишлардан биридир.

Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

СИНМАГАН СУРХОН ҚИЗИ

Ҳайратларим сурати

Йиғилиш қарори:

1. «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли қарори ва вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 октябрдаги 232-сонли ҳамда Музработ туман ҳокимининг 2012 йил 25 октябрдаги 327-сонли қарорлари ижроси юзасидан «Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини Жартепа қишлоғидаги янги қабристонни «Биби Робия» қабристони деб номлаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ушбу қарорнинг тасдиғи географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича «Сарҳад» КФЙ ҳудудий комиссиясига тақдим этилсин.

Ўзбекистон Республикаси географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш масалалари бўйича вилоят комиссияси мажлисининг 2014 йил 5 сентябрдаги Музработ тумани «Юртим жамоли» ҳудудидаги қабристонга «Биби Робия» номи берилиши тўғрисидаги юқоридаги қарор муҳокамага қўйилди.

С. Турсунов — Термиз давлат университети профессори, комиссия аъзоси.

— Жойларга ном бериш бўйича 1994 йилдан буён шуғулланиб келаман. Жойларга шахсларнинг номларини қўйиш фақат Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгилаб қўйилган меъёрлар асосида амалга оширилиши керак... Айрим қабристонларга азиз-авлиёлар номлари қўйилган бўлиб, улар минг йиллик тарихга эга. Мен Робия момонинг ҳаётини ўрганиб чиқдим. Бу шахс Музработ тумани тарихида ҳеч қандай тарихий из қолдирмаган... Шунинг учун ҳам қабристонга унинг номи берилишига қаршиман.

А. Амантурдиев — Термиз давлат университети профессори.

— Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича меъёрий ҳужжатларни Термиз шаҳар ва туманлар комиссияларига, барча қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига тарқатиш ва уларни минтақавий ўқишлар ташкил этиб, ўқитиш зарур. Қонунларни мукаммал билмаганлар ўзбошимчалик билан турли қарорлар чиқариб беришмоқда. Бунга янги қабристонга «Биби Робия» номини бериш ҳақидаги йиғилиш баёни мисол бўла олади. Бу қонунга мутлақо зид қарор.

И. Ботиров — Термиз шаҳри музейи директори, комиссия аъзоси.

— Мендан олдин сўзга чиққанларнинг фикрига қўшиламан. Қабристонни момо номи билан аталишига қаршиман.

Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи Б.Очилдиев, маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари М.Азимов, маҳалла жамоат фонди вилоят бўлими раиси Т.Норбоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси М.Олломуродов, Термиз давлат университети география кафедраси мудири Ҳ.Абдуназаров ҳам бир овоздан қабристонга Биби Робия номи берилиши қонунга зид, деган фикрни баён этишди.

Шундай қилиб, вилоят комиссиясининг 2014 йил 9 сентябрдаги 05-5154-сонли йиғилиши географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича Музработ тумани комиссиясининг 29 майдаги тумандаги «Юртим жамоли» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги қабристонга Биби Робия номини бериш тўғрисидаги 10-сонли баёни Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига зид эканлиги қайд этилсин ва туман комиссиясининг мазкур қарори қайта кўриб чиқиш учун Музработ туманига қайтарилсин, деган қарорни қабул қилади.

ХАЛҚ РОЗИ БЎЛСИН

«Бор отангга, бор онангга» қабилидаги тўрт йиллик юғур-юғурлар, сарсонгарчиликлар натижаси эди бу. Вилоят комиссияси йиғилиши баёни билан танишганимизда, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 12 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонуни чуқур ўрганиб чиқмаганликлари, комиссия аъзоларининг аксарияти қонунга бир томонлама сўяниб иш кўрганликлари сезилади.

Айни шу қонуннинг 4-бобининг якунловчи қоидалар қисмидаги 21-моддадаги **низоларни ҳал этиш,** 22-моддасидаги географик объектларнинг номлари тўғрисидаги **қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик,** айниқса, комиссия аъзолари суянган 4-моддадаги географик объектларнинг номларига доир талаблар бандидаги **маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олиш** қоидалари эътибордан четда қолган. Кун тартибидаги масала юзасидан ўтказиладиган муҳокамада қонуннинг ана шу бандларига эътибор бермаслик комиссия аъзоларининг шошма-шошарлик, эътиборсизлик билан иш кўрганликларидан далолатдир. Қонунларни яратадиган ҳам, янгилайдиган ҳам, ўзгартирадиган ҳам одамлар. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Назаримда, Термиз давлат университетининг икки профессори хулосаларига комиссиянинг бошқа аъзолари бир ёқадан бош чиқариб қарсак чалиб туришган, холос.

Момо шаънига нисбатан «Бу шахс Музработ тумани тарихида ҳеч қандай тарихий из қолдирмаган... Шунинг учун қаршиман», деган олимнинг фикрига мутлақо қўшилгим келмади. Буни шахсни камситиш, ўтган инсон хотирасига ҳурматсизлик, деб билдим.

Дунёга келган ҳар бир инсон ўзидан, албатта, из қолдиради, деб ўйлайман. Робия ая саккиз ўғил-қизни туғиб, уларнинг ёнига ота-онасидан етим қолган яна икки болани асраб олиб, ҳаммаларини оқ ювиб, оқ тараб, оналик меҳрини берган қаҳрамон она эди. Музработ чўлларини ўзлаштиришда қатнашган, пахта экиб, пахта териб, ғалла экиб, ғалла йиғиб, ўзини меҳнатда кўрсатган илғор колхозчи бўлган. Яшаш, яратиш завқининг, жафокашлик ва мардликнинг бундай сурати ҳам ўзига хос қаҳрамонлик, тарихий излар эмасми?!

...Қайси туман ҳокимияти вилоят тасаруфидаги комиссия қарорига қарши чиққанки, Музработ тумани бунга журъат этсин?! Шундай қилиб, республика географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш масалалари бўйича вилоят комиссияси мажлисининг 2014 йил 5 сентябрдаги тумандаги янги қабристонга «Биби Робия» номи берилмаслиги тўғрисидаги қарори ўз кучида қолди.

Тўфа Боймуродова кечагина маҳалласи йиғини қароридан хурсанд бўлиб, устозидан суюнчи олган бўлса, бугун Юсуф Вализода Дарбандий хузурига бошини эгиб кириб келди. Улар узоқ ҳасратлашишди, суҳбалашишди ва ниҳоят, устоз билан хайрлаша туриб, шогирди ўзининг сўнгги қарорини айтди:

— Қабристонга онамнинг номи бериладими ёки бошқа ном билан аталадими, гап бунда эмас. Гап халқ қарорига эътиборсизликда, эл-улус ризолигига қаршилик кўрсатишда... Ҳар қандай вазиятда ҳам мен онамга берган сўзимдан қайтмайман, устоз. Қабристон ободончилиги учун бор куч, ғайратимни сарфлайвераман...

Устоз шогирди орқасидан дуога қўлларини очганча, унга сабр-қаноат, куч-ғайрат тилаганча кузатиб қолди. Сени тушунадиган, ниятларингга эш бўладиган битта дуоғўйинг бўлса ҳам, катта куч экан. Унинг энг оғир кунларида ёнида турган, қўллаб-қувватлаган опаси, поччаси, жонажон укалари, келинлари бор. Улар буёғида ҳам уни ёлғиз қолдиришмайди, у билан бирга бўлишади. Ахир, Робия момо уларнинг ҳам бибиси, жондошу қондоши...

Тўфа қабристонда бошлаб қўйган қурилиш ишларини давом эттиришга киришиб кетди...

... Август ойининг сўнгги ҳафтаси эди. Кун жазирама. Қабристонни айланиб, бундаги бунёдкорлик ишлари билан қизиқаман. Ҳар бир янги қурилма, кўкарган дарахт, сув омбори, яшнаган гулзорни Тўфа номи билан боғлаб гапиришади. Бу гапларга бир ишонсам, бир ишонмайман. Кайфиятимни сездими, Дарбандий домла чўнтагидан икки варақ қоғоз олиб, менга узатди. Ўқиб кўринг, бу шу оддий сурхон қизи қилган саҳоват ишлари рўйхати. Ёзиб юрганимни ўзи ҳам билмайди. .. Ҳар гал қилган, қилаётган ишларидан ҳисоб бериб кетарди. Баъзида биргалашиб, баъзида эртасига қабристонга бориб, у қилган янгиликларни ўз кўзим билан кўриб қайтардим ва кела солиб ўша ишлар рўйхатини йилма-йил, кунма-кун ёзиб боравердим. Бунга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг...

«Биби Робия» қабристони

Мана ўша рўйхат:

1. 2012 йил 8 март — қабристонга 140 та атиргул ва 30 та арча кўчати экди.

2. 2012 йил октябрь-ноябрь. Қабристон учун тобутхона ва қоровулхона қуриб берди.

3. Қабристонга кираверишдаги йўлларга қишда лой-ёмғирдан, ёзда чанг-тўзондан асрайдиган майда-майда тошлар ётқизилди.

4. 2014 йил. Хотира ва қадрлаш куни. Тошкент шаҳридан катта юк машинасида рангоранг гуллар ва манзарали дарахтлар кўчати келтирилди. Қабристонга келганлар ёрдамида гул ва кўчатлар экилди.

5. 2014 йил 25 октябрь. Қабристонга 380 метрли платина трубалари ўтқазилиб, 40 тонналик иккита сув омбори ўрнатди.

6. 2015 йил 18 март. Қабристонга 300 та манзарали дарахт экилди. Наврўзи олам муносабати билан 350 кишига хайрия оши берди.

7. 2018 йил 1 апрель. Хайрия оши берди. Ошга келганлар ёрдамида 200 та кўчат экилди...

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Давоми келгуси сонда. ▶

ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!

«BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ

сизларни бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган «Очиқ аукцион» савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Бухоро темир йўл масофаси» корхонасининг буюртма хатига асосан корхонага тегишли бўлган, Бухоро вилояти, Жондор тумани, Мустақиллик ҚФЙ, чўл ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 3,0 гектар, қурилиш ости майдони 747,55 кв метрдан иборат ғишт ишлаб чиқариш цехининг бино иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 711 412 943 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 17 май куни соат 11:00да Когон шаҳар, Умид кўчаси, 43-уйдаги «Бухоро темир йўл масофаси» корхонасининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги бино иншоот 2019 йил 17 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 24 ва 31 май ҳамда 7 ва 14 июнь кунлари соат 11:00да юқоридаги манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖнинг ЧЭКИ Савдогарбанк Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900483347001, МФО: 00112, ИНН: 303086230.

Қўшимча маълумотлар учун «BUXORO BEST REALTOR» МЧЖ Манзил: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Мурожаат учун телефон: (65) 514-00-01. www.realtor-company.uz. **Лицензия RR-0248.**

Хизматлар лицензияланган.

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй. 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Mahmud TOIR, Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 451. 4661 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 01:50.
Topshirilgan vaqti — 02:55.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5